The article examines several historical, scientific and practical issues of the research of the “Twelve Mukams” cycle that is the classical music of the Uighur people. The paper considers the activities of the “Uygur Song and Dance Ensemble” at the Uzgosteleradio, a number of academic works carried out by researchers of the Tashkent State Conservatory and the Research Institute of Art History. In addition, the issue of local varieties of Uyghur mukams and the degree of their research on the national and international level have been touched upon.

Keywords: mukam, classical, usul, ensemble, tone, nahsha, dastan, sanam, melody, harmony, rhythm.

Уйғур муסיқа санъати, хусусан, унинг мумтоз намунаси бўлган “Ўн икки муқом” ўзининг кўп асрлик тараққиётига эга. Муқомларга оид дастлабки маълумотлар қадимги даврларга бориб тақалади. Уларни қадимий архитектура ёдгорликларидаги

деворий расмлардан, уйғурлар диёрига ташриф буюрган кўпгина сайёҳлар ёзиб қолдирган хотиралардан, шунингдек, қадимги манбалардан топиш мумкин.

XV асрда Ёркенд Саидия уйғур хонлиги даврида Султон Абдурашидхон саройида малика Омоннисахон ва саройнинг

машхур муқомчи алағмачиси Қидирхон Ёрқандийлар томонидан уйғур муқомлари йиғиб, тикланганлиги ҳақида маълумотлар бор.

XIX асрда яшаб ижод этган муסיқа билимдони, ҳўтанлик Исматуллоҳ ибн Неъматуллоҳ Мўъжизий “Таворихи муסיкийун” номли рисоласида машхур муסיқа устозлари, уларнинг ижоди ва муқомлар тўғрисида кўплаб қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб уйғур “Ўн икки муқоми”ни мунтазам равишда амалий ва илмий-назарий ўрганиш ишлари йўлга қўйилди. Жумладан, 1950-йилларда Урумчи шаҳрида уйғур муқомларининг бир тури бўлмиш “Қашқар муқомлари” машхур муқомчи Турдиоҳун ал-нағмадан ёзиб олинди. Бу ёзув асосида Ван Ту Шу муқомларни нотага олди ва бунинг натижасида 1960 йили муқомларнинг икки жилдлик нота китоби нашрдан чиқди. Айни вақтда Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларида ҳам уйғур муқомларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ишлари амалга оширила бошланди.

Ўзбек ва уйғур халқларининг маданий, тарихий, иқтисодий ва бошқа ижтимоий жабҳалардаги ўзаро алоқалари қадимги замонларга бориб тақалади. Кўп жиҳатдан умумий маданий меросга эга бўлган бу икки халқнинг муסיқа санъатида ҳам талайгина ўхшаш томонлари бор. Халқларимиз муסיқа меросининг бир овозли (монодик) тарзда вужудга келиб, узоқ ўтмишдан то ҳозирги кунгача устоздан шогирдга оғзаки йўл билан ўтиб келиши, турли жанр ва чолғулардаги ўхшашликлар шулар жумласидандир.

Маълумки, уйғур ва ўзбек халқларининг мумтоз муסיкий меросида муқомлар ва мақомлар марказий ўринни эгаллайди. Бу жанрлар узоқ ўтмишдан буён бир-бири билан зич муносабатда бўлгани ҳолда равнақ топди. Шунинг учун ҳам ушбу

мумтоз намуналарнинг куй-оҳанг, ритм-усул ва шакл-тузилмаларида кўпгина умумийликларни кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон заминида қадим замонлардан бери яшаб келаётган уйғур халқи тарих силсиласида ўз миллий муסיқа маданиятини ривожлантириб келди. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб эса бу ерда уйғур муסיқа ансамбллари, жумладан, 1961 йили Тошкентда уйғурлар диёридан кўчиб келган созанда ва хонандалардан иборат ансамбль ташкил этилди. Асосан профессионал муסיқачилардан иборат ушбу жамоа дастлаб ҳаваскорлик ансамбли сифатида фаолият олиб борган. 1967 йили ансамблнинг бир қатор иштирокчилари Тошкент телерадиокўмитаси ҳузурида ташкил этилган “Уйғур ансамбли”га таклиф этилган. Бу ансамблнинг дастлабки йиллардаги асосий вазифаларидан бири, асосан, уйғур халқ ноҳшо-қуйларини тарғиб қилишдан иборат эди. 70-йилларнинг бошларида уйғур “Ўн икки муқоми”ни тиклашдек муҳим ижодий вазифа илгари сурилди. Шу вазифанинг амалий ижроси ўлароқ ансамблда фаолият юритиш учун Ўзбекистон, Қирғизистон ҳамда Қозоғистонда истиқомат қилаётган муқом устозлари ва созандалари таклиф қилинди. Натижада 1970 йили “Или муқомлари”нинг пухта билимдон устозларидан Маттойир Ҳасанов, Нурмуҳаммад Носиров, Ғўпур Қодирхожиев, Султонмурод Разамов ва Қодир Рози Муҳамедовлар “Уйғур ансамбли” таркибида фаолият кўрсата бошладилар. Таъкидлаш жоизки, ансамбль қисқа вақт мобайнида “Или муқомлари”ни тўлиқ туркум ҳолда магнит тасмаларига туширишга, кейинчалик эса грампластинкаларга ҳам муҳрлашга муваффақ бўлди. Ушбу ноёб ёзувлар бутунги кунда радиокўмита ҳузуридаги фонохазинадан муносиб ўрин олган.

Айни вақтда мазкур ансамбль республикада ўтказилган кўплаб

анжуманларнинг концерт қисмларида фаол иштирок этиб, ўз маҳоратини юқори савияда намойиш эта билди. Айниқса, 1978 ва 1983-йиллари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган муסיқашуносларнинг Халқаро симпозиумларида ижро этилган уйғур муқомлари ва санамлари тингловчилар қалбидан чуқур ўрин эгаллади. Ансамблнинг бундай ижодий ютуқларида уйғур муסיқаси намояндаларининг самарали фаолияти баробарида машҳур ўзбек муסיқачилари – Юнус Ражабий, Фахриддин Содиков, Ҳалима Носирова ва бошқа санъаткорларнинг қимматли маслаҳатлари ҳам аҳамиятли бўлган эди.

Тошкент радиоқўмитаси хузурида ташкил этилган ансамбль билан бир вақтда Қозоғистоннинг Олмаота шаҳридаги Республика уйғур муסיқали ва драма театри қошида тузилган “Наво” ансамбли ҳам уйғур нохшо-созлари ва муқомларини кенг ижро эта бошлади.

Қўшни Қирғизистон Республикасида эса уйғур муқомлари ҳаваскор ансамбллар ижросида шу ерда истиқомат қиладиган нафақат уйғурларнинг, балки бошқа миллат вакиллариининг ҳам эътиборини қозонди.

Тошкентда ўтган асрнинг 60-йиллари охири, 70-йилларнинг бошларида уйғур “Ўн икки муқоми” икки йўналишда ривожланди. Бир томондан, радиоқўмитада бу санъатнинг ижодий-ижрочилик анъаналарини амалий жиҳатдан тиклаш жараёнлари кузатилган бўлса, иккинчи томондан, Тошкент давлат консерваториясида унинг илмий-назарий асосларини ўрганиш ишлари йўлга қўйилди. Бу борада 1972 йили профессор Файзулла Музаффарович Кароматовнинг ташаббуси билан Тошкент давлат консерваториясида ташкил этилган “Шарқ муסיқаси” кафедрасининг фаолияти муҳим ўрин тутди. Зеро, ушбу кафедранинг

асосий мақсади Шарқ халқларининг муסיқа маданияти ва асрий анъаналарини янги тарихий шароитларда ўрганиш, ривожлантириш ва тарғиб этишдан иборат эди. Файзулла Кароматов биринчилардан бўлиб консерваториянинг композиторлик кафедрасида таҳсил олаётган 2-курс толиби Абдулазиз Ҳошимовни ўқишни давом эттириш учун таклиф қилди. Бу бежиз эмас эди. Зеро, Гулжа шаҳрида туғилиб ўсган Абдулазиз Ҳошимов Или муסיқа санъатини болалигидан машҳур муқомчи ва созандалардан пухта ўрганган амалиётчи эди. У кейинчалик ҳам уйғур муסיқасининг турли жанрларини машҳур муסיқа билимдонларидан тинимсиз ўрганиб, нота ёзувларига олди ва илмий тадқиқот ишларини олиб борди.

Ўзбекистонда олиб борилган илмий изланишлар пировардида уйғур “Ўн икки муқоми” тизимли равишда ўрганилди. Жумладан, муқомларнинг маҳаллий (локал) турлари, уларнинг бир-бири билан боғлиқ ҳамда ўзаро фарқли томонлари илмий асосда ёритилди. Бундан ташқари, муқомларнинг куй-парда негизлари, шаклий тузилмалари, ритм-шеър муносабатлари ҳамда ижрочилик услублари ҳам алоҳида ўрганила бошланди.

Тадқиқот ишлари натижасида уйғур “Ўн икки муқоми”нинг учта йирик маҳаллий тури – Қашқар, Дўлон ва Қумул муқомлари мавжудлиги аниқланди. Ўз навбатида бу муқомлар бир неча маҳаллий гуруҳларга бўлинади. Шунга кўра, Қашқар муқом гуруҳига Қашқар, Или, Хўтан, Кучор, Турфон муқомлари, Дўлон муқом гуруҳига эса Оқсу-Дўлон муқомлари ва Ёркенд-Дўлон муқомлари мансублиги ҳамда булардан фарқли ўлароқ Қумул муқомлари алоҳида ривожлангани аён бўлади. Муқомларнинг бу каби гуруҳланиш асослари уларнинг ўзаро яқин, умумий ва фарқли омиллари билан изоҳланади. Бу омиллари муқомнинг номи, шаклий

тузилиши ва куй-оҳанглари ташкил этади. Масалан, Қашқар муқомлари куйидаги тўрт бўлимни ўз ичига олади:

Муқомбоши –
Чўнг нағма
Достон нағма
Машрап нағмалардан иборат.

Или муқомлари –
Муқомбоши
Достон нағма
Машрап нағмалардан иборат.

Хўтан муқомлари –
Муқомбоши
Чўнг нағмадан иборат.

Кучор муқомлари –
Муқомбоши
Чўнг нағма бўлимидан иборат.

Турфон муқомлари номланиши жиҳатидан Қашқар муқомларига ўхшайди. Аммо булар орасида 2-муқом “Дардоғ”, 6-муқом “Сабо” ва 11-муқом “Дўлон муқоми” номи билан аталади.

Кейинги даврларда уйғур муқомларига бўлган қизиқиш нафақат Марказий Осиёда, балки узоқ Европа мамлакатларида ҳам ортиб бормоқда. Бу ҳол қувонарли бўлиши билан бирга янги муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Жумладан, уйғур муқомларининг атамалари то ҳозирга қадар бирликка келмаганлиги турли чалкашликларни келтириб чиқармоқда. Муқомнинг бошланишини оладиган бўлсак, бу бўлим 1960 йили Пекинда нашрдан чиққан “Ўн икки муқом” китобида “Муқомнинг бошланиши” дейилган бўлса, кейинги нашрларда “Муқаддима” деб номланган. Олмаотада Тамара Алибоқиева томонидан нашр этилган “Рак” ва “Чаббиёт” муқомларининг китобида “Муқом бошланиши” деб юритилади.

Француз мусиқа этнологи Жан Дюринг Дўлон муқомларига оид мақолаларида “Бош муқом” деб атаган. Тошкентда илмий фаолият олиб борган Абдулазиз Ҳошимов “Муқомбоши” деб номлашни таклиф этган. Шунингдек, уни “Чўнг нағма” таркибида эмас, балки алоҳида бўлим сифатида қараш мақсадга мувофиқлигини илгари сурган. Чунки ушбу бўлим куй тузилиши, эркин ривожланиши ва ўзига хос ижрочилиги билан бошқа қисмлардан ажралиб туради. Ундан сўнг Қашқарда “Чўнг нағма”, Илида эса “Достон нағма” бўлимлари ижро этилади.

Шу ўринда яна бир таклиф. Муқомнинг “Достон” номида келган бўлимини “Достон нағма” тарзида юритиш мақбул кўринади. Чунки, аслида, алоҳида мустақил адабий жанрни даракловчи “достон” сўзи мазмунида муқомларнинг чолғу-айтим қисми англашилади.

Шунингдек, “Машрап” номли бўлимни ҳам “Машрап нағма” деб юритиш мантиқан тўғри кўринади. Маълумки, машҳур шоирнинг таҳаллуси “Машраб” бўлгани ҳолда бу ном яна уйғур халқининг ижтимоий ҳаётидан ўрин олган (турли ёшдагилар ва аёллар томонидан алоҳида-алоҳида ўтказиладиган) маданий кўнгилочар тадбирни ҳам англатади. Шу боис юқорида қайд этилган ҳолатлар мазмуни аралашиб кетмаслиги учун “Машрап нағма” деб аталиши мақсадга мувофиқдир.

Махсус ном ва атамаларга доир таклиф этилаётган қўшимчалар муқомшунос олим Абдулазиз Ҳошимов кўп йиллар давомида олиб борган илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилган эди. Шуниси қувонарлики, бу каби қўшилган атамаларнинг аксарияти бугунги кунда илмий муомалага фаол кириб келмоқда. Қолаверса, шу аснода уйғур муқомлари билан боғлиқ тушунча ва атамаларни

илмий жиҳатдан тизимлаштириш имкони ҳам юзага келади, деган умиддамиз.

Ўз вақтида, 1980-йиллари Абдулазиз Хошимов уйғур “Ўн икки муқоми” нинг ажралмас таркиби бўлган “Или муқомлари” ни нотага олиб, нашриётга топширган эди. Лекин, афсуски, ушбу қўлёзма ҳозирги кунга қадар чоп этилмай қолмоқда.

Сўнгги йилларда муқомлар устида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар диққатга сазовордир. Жумладан, муқомлар

нота битиклари тарзида бир неча бор нашр этилди, бу мавзуда фильмлар ишланди, олимлар даврасида эса мунтазам илмий муҳокамалар ўтказилиб, кўплаб махсус тўпламлар босмадан чиқарилди. Шунингдек, муқомлар устида нафақат мусиқашунос олимлар, балки адабиётшунос ва филологлар ҳам тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Бу эса муқомларни келажак авлодларга бус-бутун етказилишига имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жўрабоев А. Уйғур мақомлари хазинабони. “Совет Ўзбекистони санъати” журнали. 1984 й. №9.
2. Хашимов А. Двенадцать уйгурских мукамов. Сборник “Профессиональная музыка устной традиции народов Ближнего, Среднего Востока и современность”. -Ташкент: Изд-во литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1981.
3. Хашимов А. “Локальные разновидности Двенадцати уйгурских мукамов”. Сборник “Музыка народов Азии и Африки”. Вып.4. -Москва: “Советский композитор”. 1984.
4. Хўжаев А. “Уйғур муқомларининг Ўзбекистонда ривожланиши”. “Ўзбекистон – кўп миллатли аҳил оила” тўпламида. -Тошкент: 2014.



Юлдуз НОСИРОВА,
санъатшунослик фанлари номзоди,
Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори

СЕРГЕЙ ИВАНОВИЧ ТАНЕЕВНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИГА БИР НАЗАР

Аннотация

С. И. Танеев Европа миқёсидаги ноёб муסיқашунос олим бўлиб, асарлари бутунги кунгача аҳамиятини йўқотмаган.

Бир қатор китоблар муаллифи сифатида у замонавий муסיқада содир бўлаётган жараёнлар ҳақида тушунча беради. Хусусан, муסיкий тилнинг полифония томон кучайиши ва функционал-гармоник йўналиши нисбатан мавқеи тушиши ҳақида мулоҳазалар билдиради.

Педагог сифатида Танеев Россияда профессионал муסיқа таълимини ривожлантиришга интилди, консерватория талабаларининг барча мутахассисликлари бўйича муסיкий-назарий тайёргарлигини юқори даражада олиб боришига интилди. Айнан барча ижрочиларнинг жиддий муסיкий-назарий тайёргарлиги учун асос яратган. Танеев биринчи бўлиб замонавий профессионал муסיқа таълимини такомиллаштириш, уни ҳозирги ўрта махсус (мактаб) ва олий (консерватория) таълимга мос келадиган икки босқичга бўлиш таклифини берди.

Калит сўзлар: муסיқашунос олим, муסיкий педагогика, полифония, муסיкий тил, услуб.

С. И. Танеев – уникальный учёный-музыковед европейского масштаба, чьи работы по сей день не потеряли актуальность.

Как автор ряда книг, предлагает осмысление процессов, происходящих в современной ему музыке. В частности, предсказывает дальнейшее развитие музыкального языка в сторону усиления полифонических связей и ослабления функционально-гармонических.

Как педагог, Танеев добивался улучшения профессионального музыкального образования в России, заботился о высоком уровне музыкально-теоретической подготовки учащихся консерватории всех специальностей. Именно он создал основу для серьёзной музыкально-теоретической подготовки всех исполнительских профессий. Танеев первый предложил усовершенствовать современное ему профессиональное музыкальное образование, разделив его на две ступени, соответствующие нынешним среднему специальному (училище) и высшему (консерватория) образованию.

Ключевые слова: учёный-музыковед, музыкальная педагогика, полифония, музыкальный язык, стиль.

Abstract

S. I. Taneyev is a distinctive musicologist of significant importance on the European scale, whose works to this day maintain their value. As the author of a number of books, he offers insights of the processes occurring in contemporary music. In particular, he predicts the further development of the musical language towards the strengthening of polyphonic connections and the weakening of functional-harmonic ones. As a teacher, S. I. Taneyev strove to improve professional musical education in Russia, being concerned about a high level of musical-theoretical training of the conservatory students of all specialties. He laid foundation for a thoughtful musical theoretical training for all performing professions. Taneyev was the first to suggest improvements to the contemporary professional musical education, dividing it into two stages which corresponds to the today's secondary specialized (school) and higher (conservatory) education.

Keywords: academic-musicologist, musical pedagogy, polyphony, musical language, style.

Сергей Иванович Танеевнинг илмий-педагогик мероси жуда катта ва серқиррадир. Унинг назарий тадқиқотлари ва педагогик ишлари илмий-назарий тафаккурнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди, муסיқий олийгоҳлардаги назарий фанларни ўқитиш услуби ва мазмунини қўп йиллар олға сурди.

С. И. Танеевнинг йирик ишлари ҳаётлигида нашр этилган, жумладан, “Қатъий ёзув ҳаракатчан контрапункти”, кейинги йилларда “Канон ҳақида таълимот” чоп этилган. У илмий ишларида муסיқий классика тажрибасини композиторлик маҳоратининг турли соҳаларида – жиддий (қатъий) ва эркин контрапунктда, шаклларида, модуляцияон режаларида, тематик ривожланишнинг услубларида умумлаштиришга интилган.

Танеевнинг илмий умумлаштиришлари доимо амалий мақсадга мос келган; бу, ёш муסיқачиларни тарбиялашда асос бўлиб, устознинг кучли қуролига айланади ва шу ердан унинг чоп этилган ва қўлёзма сифатида қолиб кетган қўп ишларининг педагогик йўналиши келиб чиқади.

Муסיқашунослик соҳасида ҳам Танеев илмий-педагогик меросни ишлаб чиқиб, нашр этиш бўйича жуда қўп ишлар қилган. Бетховен сонаталарининг таҳлили, уларнинг гармоник плани, Бах фугалари тонал планларининг таҳлили, контрапункт, ораториялар шакли ҳақидаги маърузалари, гармоник алмашинувнинг тезлигига оид мақолалари ва бошқалар муסיқий жамият томонидан ўрганилди.

Танеев доимо тематик ривожланиш билан қизиқарди, яъни мавзунини кўрсатиш, уларнинг модификацияси, интонацион жараённинг келгуси ривожига таъсири. Ва бу қўплаб китобларида ўз аксини топган. Асарлардаги бутун бўлимларнинг полифоник варьирланиши ва шу вақтнинг ўзида уларни тузувчи товушларнинг варьирланиши катта аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, Танеевни замонавий композитор сифатида, “вариациядаги вариациялар” муаммоси қизиқтиради, яъни ижодий фикрнинг қатъий организациясидаги бирламчи материалнинг чуқур ўзгариши композитор эътиборини ўзига тортади. Бундай услуб Танеев ижодига ҳам хосдир. Танеев қатъий организациялашган ижодий ғояни бажаришда эркинликни композитор фантазияси билан боғлайди, яъни фактура ва оркестровка – асарнинг мазмуни ва драматургияси билан боғлайди. Бундай ғоялар биринчи маротаба Бахнинг h-moll мессасида шакланган ва ўқувчилар билан оғзаки дарсларда айтилган.

Танеев эътибор билан асарнинг йирик бўлимлари орасидаги тематик боғланишларда тўхтаган, интермедиялар ва кодетталарнинг бир-бирига таъсирини, асарнинг асосий бўлимлари орасидаги боғланишларни кузатган. Тематик боғланишлар, бирламчи тематик материалнинг кейинги ривожига таъсири масаласи – назарияда ва ижодиётда асосий масалалардан биридир. Шунинг учун Танеевни ўзига жалб этган. У бир бутун композицияни яратишдаги қисмларни боғлашнинг полифоник воситаларини қидирган. Танеевнинг эътибори тематик киришларнинг ёрқинлигига, ажралувчанлигига қаратилган. У бундай кириш қисмларнинг 2 турини шакллантиради: “органик” (бошида паузалар, мавзу киришида сакраш, регистр ёки овозлар сонининг ўзгариши, турли каданслар, диссонансдаги синкопа) ва “ноорганик”, тобе бўлган (оркестровка ва динамик бўёқлар).

Асарнинг қатъий шаклига аҳамият бериб, Танеев қайтаришда вариантликни эп кўради (яхшиси полифоник). Бу бутун композицияга жўшқинлик, ривожланишга мунтазамлик бағишлайди ва схематизмни олиб ташлайди.

Нашр этиладиган материалларда Танеев гармония муаммоларига жиддий эътибор қаратади.

Агар асарда “маҳаллий” гармоник боғланишлар катта ўрин эгалламаса ҳамда Танеев полифонияни (канон) ва музиканинг гармоник мазмуни орасидаги бир-бирига таъсирини кўрсатиш билан чекланса, унинг модуляцион режа назарияси Бетховен сонаталаридаги репризаларнинг таҳлилида юксак тўлдиришларга эга бўлади.

Шу билан бирга Бахнинг “Яхши темпацияланган клавир”идаги фугалар тонал ривожланиш графикасида ҳам бу назария намоён бўлади. Модуляцион режада Танеев нафақат тоналликлар танлашга, уларни бир-бирига бўлган муносабатига ва бирлаштирувчи тоналликка (маҳаллий ва асосий), балки яна икки нарсага эътибор берган: модуляциянинг тематик ривожлов билан боғланишига ва вақтга, яъни бирон-бир вақт мобайнида у ёки бу модуляция давом этади ёки аксинча, тонал турғунли соҳани намоён этади. Танеев учун тоналликларнинг яқинлашув даражалари орасидаги муносабат, улар янграшининг вақти муҳим эди.

Танеевнинг илмий-ижодий қизиқишлари унинг ўқув-услубий ишларида ўз аксини топган. Ўттиз йилга яқин Москва консерваториясида муаллимлик қилган. Шу давр ичида назарий туркумнинг ҳамма фанлари (гармония, чолғушунослик, полифония, музикаий шакллар) ва композициядан дарс берган.

1890-йиллардан бошлаб Танеев композиторлар ва назарийчиларга билим беради. Бу вақтда композициядан (“эркин ижод”) дарс ўтмаганлигига қарамай, унинг синфидан С. Рахманинов, А. Александров, Скрябин, Р. Глиэр, Василенко ва Палиашвили каби композиторлар етишиб чиққан. Танеев маҳоратни тарбиялаш учун кўплаб ёзма ва оғзаки машғулотлардан

фойдаланади. Ижодий, актив, амалий, мақсадга интилувчанликка асосланган дарслар Танеев услубининг юксаклигини тасдиқлайди.

Ўқувчилар ишларининг ахлоқий баҳоланиши, тематик материалнинг образли ва тушунарли бўлишини талаб этиш, айниқса, консерватория шароитида муҳим тарбиявий аҳамият касб этган, чунки ёш музикачи композиция дарсидан таълимнинг сўнгги икки йилида таҳсил оларди.

Танеев контрапунктда мақсадни эмас, балки техникани ривожлантиришнинг воситасини кўрар ва тематик ишнинг санъатини бунинг муҳим томони деб ҳисоблар ва шуни педагогик фаолиятида ривожлантиришга интиларди. Полифония бўйича машҳур “Подвижной контрапункт строгого письма” асаридан Танеев ўқув қўлланма сифатида фойдаланарди. Унинг полифония бўйича берган дарслари композиторлик маҳоратининг юксак мактаби бўлиб хизмат қиларди.

Айланма контрапунктга ва кўпчилик кўрсаткичга катта аҳамият бериларди. Чунки бундай машқлар турли полифоник вариацияларда чуқур асослар яратади.

Танеев ўқувчиларининг турли полифоник ишлари тематик ривожланиш техникасини акс эттирар эди.

Бах ва Гендель санъати кўп йиллар давомида Танеевнинг ижодий эътиборини ўзига жалб қилган. Фикримизнинг далили сифатида Бахнинг “Яхши темпацияланган клавир”и ва кантаталари, Генделнинг “Самсон” ва “Мессия” ораториялари таҳлилини келтириш мумкин.

Танеев 1890-йилларда замонавий композиторларнинг асарларида йирик шаклларнинг йўқолиб кетишини, йирик инструментал шаклларга қизиқиш йўқлигани аниқлаган. У катта миқёсдаги яхши музикаий асарларни қўлаб-қувватлаган

ва бундай билимларни мактабдан бошлаб ўргатишга катта эътибор берган.

Таҳлил қилинган ишларда Танеев асосий тематик оҳанглари кўрсатишда ёрқинлик, ажратилувчанлик усуллари ўрганишга тўхталади. Танеев томонидан Бах мессаси тўртта номерининг таҳлили – полифоник композиция мактабидир.

Консерватория музикий-назарий курсларининг ўқув дастурлари Танеев томонидан ҳар хил йилларда тузилган. Бу дастурлар Москва консерваторияси композиторлик ва музикашунослик таълимотининг кўп йилларга илгарилаб кетишига хизмат қилган.

Биринчи бўлиб чолғучилик курсининг дастури (80-йиллар боши) тузилади. Танеев чолғучилик бўйича кўп дарс бермаган. Шунга қарамай, дастур мазкур таълимотнинг ривожига катта ҳисса қўшган.

Чолғучилик курсига Танеев чолғушуносликни ҳам, партитура ўқишни ҳам қўшиб, фанларни яхлитлаштиради. Ҳар бир дастур маъруза шаклидаги умумий маълумотларга эга.

Гармония курси бўйича дастурни Танеев 80-йиллар охири 90-йиллар бошида яратган ва Чайковский томонидан бошлаб берилган гармония фанининг асосини ижодий жиҳатдан ривожлантиришни давом эттирган. Дастурда структурали-аккордди тамойил сақланган (ҳамма ёндош учтовушликларнинг ва септаккордларнинг ўтиши).

Дастурдаги амалий машқлар ҳақида ҳам айтиб ўтиш керак, уларнинг кўплиги ва мураккаблиги олдинги дастурга нисбатан (Чайковский томонидан ишланган) каттадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Танеев С. И. Дневники. В 3-х книгах. -Москва: "Музыка", 1981.
2. Танеев С. И. Из научно-педагогического наследия. -Москва: "Музыка", 1967.
3. Танеев С. И. Материалы и документы. -Москва: 1952.
4. Яворский Б. Избранные труды. Ч. I, -Москва: "Советский композитор", 1987.
5. Петухова С. Российское музыковедение как процесс: в кругу тем, открытий и концепций. -Москва: "Музыкальная академия", №1, 2019.



Юнус ТУРАЕВ,

и. о. профессора Государственной консерватории Узбекистана

НЕКОТОРЫЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИЗУЧЕНИЯ ЭСТРАДНОЙ ПЕСНИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация

Эстрадная песня, являвшаяся важным социальным и политико-идеологическим фактором, создавалась профессиональными и талантливыми композиторами и поэтами. Она становилась одним из важных направлений музыковедческих исследований. В 70х годах XX века эстрадное искусство Узбекистана переживало бурный расцвет. В то время в Узбекистане работало много молодых и талантливых композиторов – М. Бурханов, И. Акбаров, Ш. Рамазанов, С. Джалил, М. Мухаммедов, Х. Изамов, Д. Закиров, Г. Кадыров, Х. Рахимов, С. Варелас, Э. Салихов, Д. Сайдаминова, Г. Халиков, А. Малахов, Е. Ширяев.

Ключевые слова: эстрадная песня, исполнительство, интерпретация, вокальное мастерство.

Муҳим ижтимоий ва сиёсий-ғоявий омил бўлган эстрада қўшиғи профессионал композиторлар ва шоирлар томонидан яратилган. У мусиқашуносликнинг муҳим тадқиқот йўналишларидан бирига айланди. XX асрнинг 70-йилларида Ўзбекистон эстрада санъати ривожланишнинг юқори чўққиларига кўтарилди. Ўша даврда Ўзбекистонда М. Бурҳонов, И. Акбаров, Ш. Рамазанов, С. Жалил, М. Муҳаммедов, Х. Изомов, Д. Зокиров, Г. Қодиров, Х. Раҳимов, С. Варелас, Э. Салихов, Д. Сайдаминова, Г. Холиқов, А. Малахов, Э. Ширяев каби кўплаб ёш ва истеъдодли композиторлар ижод қилган.

Калит сўзлар: эстрада қўшиғи, ижрочилик, талқин, вокал маҳорати.

Abstract

The pop song, which was an important social, political and ideological factor, was created by professional and talented composers and poets. It became one of the essential line of the musicological research. In the 1970s, the variety art of Uzbekistan experienced a period of remarkable flourishing. During that time many young and talented composers worked in Uzbekistan, namely M. Burkhanov, I. Akbarov, Sh. Ramazanov, S. Jalil, M. Mukhammedov, X. Izamov, D. Zakirov, G. Kadyrov, X. Rakhimov, S. Varelas, E. Salikhov, D. Saydaminova, G. Khalikov, A. Malakhov, E. Shiryaev.

Keywords: pop song, performance, interpretation, vocal skill.

Эстрадная песня самый доступный и востребованный в современной культуре жанр. К сожалению, обывательское мнение сводится к тому, что создание песни, как и ее исполнение не требуют профессиональной подготовки. “Песню понимают все, но едва ли кто-то способен объяснить, что же именно он в ней понимает” [1], пишет музыковед Т. Чередниченко.

Песня, результат работы композитора и поэта, но немаловажна в судьбе песни роль ее первого исполнителя. Взаимодействие музыкального и вербального начал приводит к рождению произведения, наполненного глубоким содержанием, обобщающим поэтические образы и социокультурные процессы современности.

Судьба песни “Тул диёрим”, которая была создана для фильма Малика Каюмова “Дорога домой” оказалась достаточно интересной с момента ее рождения и до распространения на большой эстраде. Режиссер с особой тщательностью подбирал стихи для песни, которая играла бы ведущую роль в драматургии фильма. В то время в Узбекистане работало много молодых и талантливых поэтов – Т. Тула, К. Атабаев, Ё. Мирзо, М. Рахмон, П. Мумин, С. Коканбеков, А. Арипов, но стихи Э. Вахидова показались режиссеру наиболее подходящими, а музыку предложили написать М. Бурханову.

В 70х годах XX века эстрадное искусство Узбекистана переживало бурный расцвет, ряд композиторов пробовали силы в жанре эстрадной песни – М. Бурханов, И. Акбаров, Ш. Рамазанов, С. Джалил, М. Мухаммедов, Х. Изамов, Д. Закиров, Г. Кадыров, Х. Рахимов, С. Варелас, Э. Салихов, Д. Сайдаминова, Г. Халиков, А. Малахов, Е. Ширяев на глубоко национальной основе, но в самых современных формах.

Эстрадная песня как составляющая массовой музыкальной культуры характеризуется широтой аудитории, доступностью стилистики через опору на интонационные, образные, структурные стереотипы, тиражированностью приемов, что обеспечивает легкость восприятия; преобладание развлекательной и гедонистической функций, призванных вызывать положительные эмоциональные реакции у массового слушателя.

В 60-70х гг. XX века сформировался жанр эстрадной песни со свойственными жанру принципами функционирования, жанровой спецификой, проблемой авторства и выбора исполнителя. В этом процессе при общем популярном характере создаваемых в Республике опусов, связанном с природой жанра эстрады, сосуществуют

несколько противоречивых тенденций: снижение идеологической составляющей и замена ее коммерческо-развлекательной тематикой; высокий профессионализм композиторов-песенников и выдвижение нового типа авторов – композитор-исполнитель и музыкант-любитель при возрастании в процессе создания песни роли звукорежиссера, аранжировщика, продюсера; свободное отношение к авторскому тексту и приоритет исполнительской интерпретации. Все это порождало изменение и жанрово-стилевого диапазона эстрадной песни как отражение двух разнонаправленных тенденций: движения, с одной стороны, к упрощенному любительству, развлекательности, с другой – к профессионализму и вечным ценностям классики.

Именно названным характеристикам соответствует М. Бурханова “Тул диёрим”, которая написана в особой национальной специфике, стилистике и требует особого тембра голоса исполнителя, эмоциональной интерпретации, соблюдения закономерностей драматургии.

Теорией изучения проблем исполнительской трактовки занимались А. Сохор “Русская советская песня”, где данный феномен рассматривается с позиции исторического развития, назовем также аналитические статьи Л. Мазеля в сборнике “Этюды о Шостаковиче” о двух песнях композитора, статью А. Шнитке о вокальных произведениях А. Петрова, исследование В. Зака “О мелодике массовой песни” (опыт анализа).

Таким образом, эстрадная песня, являвшаяся важным социальным и политико-идеологическим фактором, создавалась профессиональными, и, в большой степени, высокоталантливыми композиторами и поэтами. Она становилась одним из важных направлений музыковедческих исследований.

Использованная литература:

1. Чередниченко Т. В. Между “Брежневым” и “Пугачевой” // Типология советской массовой культуры. - Москва: РИК “Культура”, 1993. - С. 5-7.
2. Шнитке А. Б. Песни А. Петрова 60-х годов // Критика и музыковедение: сборник статей. Вып. 2. - Ленинград: “Музыка”, 1980. - С. 169.
3. Цукер А. М. Отечественная массовая музыка: 1960-1990: учебное пособие. - 2-е изд., доп. - СПб.: -Лань: “Планета музыки”, 2016. - С. 14.

Закия МИРХАЙДАРОВОЙ,

и. о. профессора Государственной консерватории Узбекистана

МУСИҚА АДАБИЁТИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИГА ТАВСИАЛАР

Аннотация

Муסיкий-тарихий фанларни ўқитиш услубиёти муסיқа тарихи ва назарияси соҳасидаги билимлар мажмуасига асосланади ҳамда фалсафий-маданий жиҳатларга (аспектларга) ҳам таъсир кўрсатади. Муסיқа адабиёти бўлажак муסיқачининг шаклланиш жараёнида энг муҳим фанлардан биридир. Ўрта босқичда муסיқа адабиётини ўқитиш методикасининг турлари ва усулларида фойдаланишда муаллифнинг кўп йиллик тажрибаси асос бўла олади.

Калит сўзлар: муסיқа адабиёти, композитор, ижодий фаолият, тарихий-назарий таҳлил, услубиёт.

Методика преподавания музыкально-исторических дисциплин основывается на комплексе знаний в области истории и теории музыки, а также затрагивает философско-культурологические аспекты. Предмет музыкальная литература является одним из важнейших в процессе формирования будущего музыканта. Применение различных типов и способов методики преподавания музыкальной литературы в среднем звене опробовано многолетним опытом автора статьи.

Ключевые слова: музыкальная литература, композитор, творческая деятельность, историко-теоретический анализ, методика.

Abstract

The teaching methodology of musical-historical academic disciplines is based on a complex of knowledge in the field of history and theory of music. It also touches upon the philosophical and cultural aspects. The subject of musical literature is one of the most important in the process of forming future musician. The use of various types and methods of teaching music literature in the middle link has been tested by the author's many years of experience.

Keywords: musical literature, composer, creative activity, historical and theoretical analysis, methodology.

Маълумки, муסיқа адабиёти машғулоти ўқувчиларнинг нафақат билими, балки дунёқараши, тафаккурини ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Шунинг учун ўшбу фанни ўқитиш услубиёти, тажрибалари ва янгилаш йўллари ўқув жараёнига татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Мазкур мақолада бу борада тавсиялар берилган.

Билим юртида муסיқа адабиётининг асосий иш шакли – дарсни ташкил қилади.

Машғулотнинг муҳим хусусиятларидан бири шуки, ўрганилаётган асар, албатта, синфда яхлитлигича эшиттирилиши зарур. Бу фақатгина кичик шаклларга эмас, балки соната ва симфония шакллари ҳам тегишлидир. Албатта, опера ёки ораторияларни бир бутунлигича эшиттириш имкони йўқ, лекин асарнинг айрим лавҳаларини (увертюра, ария, ансамбллар, хорлар) тугалланган кўринишда беришга ҳаракат қилмоқ керак. Бундай дарс жараёнларига машғул

учун ажратилган вақт камлик қилади. Масалан: П. Чайковский асарларини ўрганишга атиги 20 соат ажратилган. Дарс жараёнида берилган асар таҳлили кўп вақтни талаб этса-да, курсда асосий эътибор мусиқа эшитишга қаратилган. Мусиқа адабиёти фанининг асосий хусусиятларидан ташқари, эшитувчининг бадиий, эстетик диди ва мусиқага бўлган қизиқиш савиясини оширишда, чиройли ва сифатли ижронинг аҳамияти жуда катта.

Ўқувчиларга мавзунини тушунтиришда ўқитувчи кўرғазмани кураоллардан фойдаланиши ёки асарга тегишли мусиқа намуналарини ўзи ижро этиши ва ниҳоят, техникавий воситалардан фойдаланиши мумкин. Фортепианода ижро этишни мукамал билиши зарур, чунки берилган мусиқавий намунанинг қай даражада сифатли ижро этилиши эшитувчининг фанга бўлган муносабатини белгилайди.

Билим юртида мусиқа адабиёти фани бўйича дарс шакли, олий ўқув юрти режаларидаги маърузаларга яқинлашади.

Д а р с ж а р а ё н и д а ў қ и т у в ч и эшитувчиларнинг диққатини жамлашга ҳаракат қилиши лозим. Акс ҳолда дарс зерикарли ва тушунарсиз бўлиб қолиши мумкин.

Ў қ у в ч и л а р ф а о л и я т и н и жонлаштиришнинг бир неча услублари мавжуд. Масалан, мавзуга тегишли саволни ўртага ташлаб диққатни жалб қилиш мумкин. Ўрта мактабда қўлланиладиган услублардан яна бири – таҳлил қилиб улгурилмаган асарнинг ижроси ҳақида суҳбат олиб боришдир. Агар ушбу асар ўрганилган ёки ўрганилаётган бўлса, ўлардан намуна ижро этиш ҳам мумкин. Ўқитувчи қоидага кўра янги мавзунини тушунтириш билан бирга ўтилган мавзунини ҳам такрорлаши зарур. Бунда дарс савол-жавоб тарзида ўтказилади ва қуйидаги шаклда тузилади:

а) ўтилган материал асосида қисқача савол-жавоб (10-12 дақиқа);

б) янги мавзунинг баёни.

Ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчиларнинг ўзлаштириш малакасини назорат қилиб туриши лозим. Ўқувчилар, асосан, керакли фикрларни қисқа кўринишда конспект қилишларига аҳамият берилади.

Билим юртларида уйга берилган вазифаларни қай тарзда бажарилиши ҳам тажрибага асосланган ҳолда кўрсатилиши яхши натижа беради. Уй вазифалари ёзма тарзда бўлиши лозим (ўрганилмаган асар таҳлилинини ёзма равишда бажариш).

Ўқувчиларни мустақил ишни тўхтовсиз бажаришга кўништириш жуда муҳим, чунки йил охиридаги якуний назорат вақтида ўтилган мавзуларни қайтадан тушунтириш ўрнига такрорлаш кифоя бўлади. Ўқувчилар дарсдан ташқари опера ва театрларга боришлари ҳам мавзу материалларини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Мавзу бўйича концертлар уюштириш, бунда ўқувчиларнинг ўзлари иштирок этишлари ҳам жуда яхши натижа беради.

Бундан ташқари билим юртларининг мусиқий-ҳаётий фаолиятларига анъана тарзида юбилей кунини белгилаш ва ҳар йили ушбу кунда талабалар ижросида концертлар уюштириш ҳам фойдадан холи эмас. Бундай тадбирларни ташкил этиш, кўпинча назария ва чолғу бўлими ўқитувчилари зиммасида бўлади.

Назария бўлими талабалари мақолалар ёзиб, деворий газета тарзида чиқаришлари ҳам мумкин. Тадбирдан сўнг фикр ва мулоҳазаларини баён этишлари, билим ва малакани мумкин қадар кенгайтиради.

Айрим билим юртларида мусиқа адабиёти фанини ўргатишда кичик тўгаракларда тажрибалар ўтказилади. Албатта, бу талабаларнинг айримларинигина қизиқтириши мумкин. Машғулотнинг мавзулари турлича бўлгани маъқул, масалан: маълум композиторнинг ижодий фаолияти ҳақида маълумот ёки шу композитор ижодидаги жанрга эътироф бериш (П. Чайковскийнинг симфоник ижодини, Д. Шостаковичнинг камер ижодини ёритиш).

Табий ҳолда ўқувчилар композиторларнинг янги асарларига қизиқадилар. Тўғарак машғулотларини ранг-баранг тарзда ўтказиш мумкин, яъни олдиндан тайёрланган маъруза ёки ўқувчиларни қизиқтирувчи санъатнинг долзарб йўналишлари ҳақида суҳбат.

Дарсдан ташқари олиб бориладиган ишларнинг бошқа қизиқарли шакллари ҳам топиш қийин эмас. Бу ўқитувчининг ташкилотчилиги, фаоллиги, хоҳишига боғлиқ.

Музыка адабиёти машғулотининг турлари ва олиб бориш услуби.

Билим юртларидаги музыка адабиёти дарслари турли кўринишларга эга:

- а) кириш машғулотлари;
- б) ахборот машғулотлари;
- в) таржимаи ҳол кўринишидаги дарс;
- г) маълум музикаий асарни ўрганиш машғулотлари.

Уларнинг ҳар бири яхлит ҳолда мазмунига кўра ўзига хос бўлиб, охириги кўринишнинг аҳамияти кўпроқдир.

Музыка адабиёти курсларида композиторнинг ҳаёти ва ижоди ўрганилади. Лекин шуни ёдда тутиш зарурки, бу жараён йиллик музикаий таълим ўчоғида маълум жиҳатдан қисқа ўрганилган. Олий ўқув юртларида эса таржимаи ҳол деярли ўрганилмай, композиторнинг ижодий йўли ҳақида маълумот берилади. Машғулотнинг асосий қисми маълум музикаий асарнинг ўрганилишига қаратилади. Одатда, таржимаи ҳол учун бир ёки икки соатгина ажратилади.

Шунга қарамай, ўқитувчи қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

1. Композиторнинг ҳаёти давомидаги асосий воқеаларни баён этиш. Бу, талабанинг ўзи учун тарихий жадвал тузишида катта ёрдам беради.

2. Таржимаи ҳол билан бирга композиторнинг ижодий йўлига умумий таъриф бериш.

3. Композиторнинг шахсий ижодига тўлиқ тавсиф бериш, унинг бадиий диди, дунёқараши, ўзига хос ҳаётий мавзуси ва ижодий қиёфасини ёритиш.

4. Композиторнинг ижодий фаолияти, шахсий ижодий ривожланишини мавжуд тарихий воқеийлик билан боғлиқлиги ҳақида маълумот бериш.

Булар музыка адабиёти дарсини тўғри йўналтиришнинг асосий тамойиллари ҳисобланади.

Биринчи вазифадан келиб чиққан ҳолда, композиторнинг ижодий ва ҳаётий йўлини даврлар билан кўрсатиб ўтиш мумкин. Масалан, И. Глинканинг таржимаи ҳолини қуйидаги даврлар билан бериш мумкин:

Биринчи давр – 1804-1836 йй.

Иккинчи давр – 1836-1842 йй.

Учинчи давр – 1842-1857 йй.

И. Гайдннинг таржимаи ҳоли:

Биринчи давр – 1732-1761 йй.

Иккинчи давр – 1761-1790 йй.

Учинчи давр – 1790-1809 йй.

Композитор ижодини турли даврлар билан ажратиб кўрсатиш муҳимлиги бўлиши билан бирга, маълум қийинчилик туғдиради, бу даврларнинг қайси бири муҳимроқ деган савол туғилади. Ўқувчиларни чалғитмаслик учун муҳимроқ саналарни қолдириш мақсадга мувофиқ:

а) композиторнинг туғилган ва вафот этган санаси;

б) ижодий фаолияти чегараланган сана;

в) композиторнинг асосий асарлари ва ижро этилган даври (И. Глинканинг “Иван Сусанин”, “Руслан ва Людмила” опералари ва бошқалар).

Қолган асарлари ҳақида маълумотлар, асосан, таржимаи ҳолида келтирилади. Композиторнинг қилган саёҳатлари саналарини эслаб қолиш қийин бўлгани учун кўпроқ ижодкорнинг қанча умр кўргани ва неча йил давомида ўзга шаҳарларда бўлгани, ижодий эволюцияси, асарлари ёзилган саналар ҳақида маълумот бериш тўғрироқ бўлади. Уларни ёдлашни талаб этмаган ҳолда, хронологик тартиб тузишга ҳаракат қилган мақбул. Композиторнинг таржимаи ҳолини ўрганиш жараёнида ҳамма устозларининг исмларини ёдда сақлашни талаб қилиш ва дарсни шундангина иборат қилиб қўйишдан сақланиш жоиз. Бу ўринда

композиторнинг ижодий баркамоллиги учун кўпроқ ҳисса қўшган устозларнигина қайд этиш билан қифоя. Масалан: Бетховен учун К. Нееф ва Й. Гайдн, И. Глинка учун эса З. Ден.

Композиторнинг унинг ўзига хос қирралари, ижодидаги асосий интилишларини ёритишга эътибор бериш лозим. Масалан: А. Даргомижскийнинг “Credo” ижоди, “Хочу чтобы звук прямо выражал слово, хочу правды” – бу билан композитор Г. Берлиознинг симфоник музикадаги программали асарига тўғридан-тўғри интилишини ифода этади.

Композитор яшаб ижод этган даврдаги тарихий шароитларни тасвирлашда, албатта, унинг ижодий шаклланишига, шахсий ҳаётига таъсири ва дунёвий муҳим ўрнини таъкидлаш керак. Масалан: 1789 йилдаги Француз инқилоби Бетховеннинг ижодида, инқилобий воқеалар М. Мусоргский – Н. Некрасов – В. Перов, И. Глинка – А. Пушкин ижодларида.

Асосан, тарбиявий аҳамиятга мойил бўлган, яъни буюк композиторларнинг она Ватанларига бўлган юксак муҳаббатлари ҳақида гапиришни эсдан чиқармаслик лозим. Бу фикрни далил-ашёлар билан исботлаш ва тўғри ифода эта билиш зарурдир (И. Бах, Моцарт, П. Чайковский кабилар мисолида). Ва албатта, ўз мақсади йўлида юксак қобилиятдан ташқари катта меҳнат талаб қилинишини ҳам таъкидлаш керак.

Сўзларнинг исботи сифатида методик қўлланма нуқтаи назаридан талабаларга музикаий намоиш берилиши фойдадан холи эмас. Бу ўринда кичикроқ фортепиано миниатюралари, романслар намоиш этиш ёки номлари келтирилган асарлардан лавҳалар, туркумли шаклларнинг алоҳида қисмларидан намуналар келтириш мумкин. Лекин эшиттирилаётган музикаий лавҳалар иложи борица айтилган фикрларни тўлдириши ва ўқувчиларда дарсга нисбатан қизиқиш ва интилиш уйғотиши лозим.

Таржимаи ҳол кўринишидаги дарсни ҳаддан ташқари мураккаблаштирмай,

енгил тарзда олиб бориш, композитор билан яқиндан танишиш ва таассурот қолдиришга интиломоқ керак, токи талабаларда у ҳақда ёрқин, такрорланмас хотира қолсин. Агар ўқитувчи юқорида айтиб ўтилган талабларга жавоб бера олса, албатта, машғулот эсда қоларли ва тушунарли бўлади.

Музикаий асарни ўрганиш дарси.

Музика адабиёти дарсининг ушбу кўринишидаги машғулотини музикаий асарни ўрганишдан аввал композиторнинг ижодий йўли ҳақида айтиб ўтиш лозим.

Биринчидан, асарни яхлит кўрсатиш ва таҳлил қилишни ўргатиш, бу услуб, асосан, музика адабиёти курсида ўрганиладиган маълум асарлар учундир.

Иккинчидан, асарнинг қисқа тавсифидан бошлаш керак. Бу ўқувчининг умумий музикаий дунёқарашини янада кенгайтиради. Асарни бир бутунлигича (кичик шаклларда) ёки айрим қисмларини (симфония қисмлари, операдан ариялар) эшиттириш мумкин.

У ч и н ч и д а н , м у с и қ и й к е л т и р и ш л а р (ц и т и р о в а н и е) – П. Чайковский ва Д. Шостакович, А. Бородин ва А. Глазунов.

Ўқувчиларга, музикаий намунани имкон қадар оркестрли овозларда эшиттириш лозим. Бу билимларни янада чуқурлаштиришга ва оркестрдаги турли тембрлар мужассамлигини бири-биридан ажратишга ёрдам беради. Асар таҳлилидан сўнг, ўқувчиларни ўз фикрларини билдиришга ўргатиш ва бошқа муаллифнинг жанр жиҳатдан бир хил асари билан таққослаш кўникмаларини ҳосил қилиш лозим.

Камер вокал асарларини таҳлил қилиш ва кўрсатиш услуби.

Композиторнинг маълум камер вокал ижоди билан таништиришда бу жанрга тегишли бўлган қирраларини очиб бериш зарур. Шу сабабли асарни танлашга катта аҳамият бериш лозим.

Агар муаллим романс жанрининг эволюциясини ёритиб беришни мақсад қилиб қўйган бўлса, унда, албатта, хронологик тартибни кўрсатиши мақсадга

мувофиқ. Бу тамойилга кўра муаллим машғулоти айнан шу мавзу учун мос келадиган, яъни масалан, Ф. Шубертнинг қўшиқ ёки С. Рахманиновнинг романс ижодига бағишлаши мумкин.

Ўқитувчи турли романсларни хронологик тартибсиз, яъни жанр жиҳатдан гуруҳларга таснифлаб тушунтириб бериши ҳам мумкин:

- а) лирик;
- б) драматик;
- в) эпик;
- г) сатирик ва ҳоказо.

Бу ўринда А. Даргомижский ёки А. Бородиннинг романсларини мисол қилиб кўрсатиш ўринли. Айрим ҳолларда юқоридаги иккала услубни ҳам мужассамликда ёритиш мумкин.

М. Мусоргскийнинг камер вокал ижоди мавзуси остида унинг мавзувий таснифи билан бир қаторда композитор ижодига тегишли жанрлар эволюцияси билан ҳам танишиш фойдадан холи бўлмайди.

Илк даври учун – “Ночь”, “Где ты звёздочка”, ўрта даври учун – социал ва деҳқонлар мавзусига оид – “Калистрат”, “Колыбельная”, “Ерёмушка”, “Сиротка”, сатирик қўшиқлари “Семинарист”, “Раёк”, охириги даври учун – драматик вокал асарларидан “Забытый”, “Песни пляски смерти” ларини мисол қилиш жоиз.

Бу каби машғулотларга кириш сифатида романслар ҳақида умумий тушунча ва композитор ижодида бу жанрнинг моҳияти ва ўрни кўрсатилади. Худди шу ўринда композитор мурожаат этган шеърлар муаллифларига эътибор қаратиш ҳам яхши натижа беради.

И. Глинканинг романсларини ўрганишга қаратилган айрим саволлар билан дарснинг муқаддимасини ташкил этиш мумкин:

1. XIX асрнинг биринчи ярмида Россияда И. Глинка романсларининг рус вокал лирикаси намунаси сифатидаги тарихий аҳамияти.

2. И. Глинканинг ижодида бу жанрнинг ўрни ва аҳамияти, романсларнинг яратилиши, уларнинг сони ва аҳамияти.

3. И. Глинканинг севимли лирикаси (композиторнинг севимли шоирлари).

4. И. Глинка ўз асарларининг ижросиси.

Ҳар бир асарни намойиш этишдан аввал унинг мазмуни билан таништириш зарур. Бунда маълум асарнинг асл кўринишини ўқиб эшиттириш ёки ўзининг сўзлари билан тушунтириш мумкин.

Одатда романс эшиттиришдан аввал асарнинг айрим қисмларини қисқача ижро этиш ва композитор услубига хос қирраларни очиб бериш керак. Оҳанг куйининг асосий ифодавий воситаси эканлигини кўрсатиб, композиторнинг ижодий услубини таъкидлаш жоиз.

Кейин эса фортепиано партиясининг асарнинг яхлит кўринишидаги ўрни ва хусусиятини кўрсатиб ўтиш тўғри бўлади. Бунга мисол сифатида А. Варламовнинг “На заре ты её не буди”, А. Гурилёвнинг “Домик-крошечка” кабиларни олиш мумкин. Масалан, Ф. Шубертнинг “Маргарита за прялкой”, “Куда”, А. Бородиннинг “Морская царевна” романсларида фортепианонинг ижроси ифодавий суръат фони сифатида эътироф этилган, С. Рахманиновнинг “Вешние воды”, Ф. Шубертнинг “Лесной царь” романсларида эса фортепиано ижроси маълум жиҳатдан мукаммал фактура билан ифодаланганлигини кўриш мумкин.

Романсларнинг аҳамиятга мойил айрим томонлари мавжудки, улар гармоник, шакл жиҳатдан материалнинг ривожланиш оҳанг услубларидир. Масалан, Ф. Шубертнинг “Маргарита за прялкой” романсида асосий ўринда қўшиқ хусусияти ажралиб туради, авжда декламацион речитатив иборалар билан алмашади (“...пожать рук, его поцелуй”); фортепианонинг ифодавий воситачилик роли бу асар учун жуда катта аҳамиятга эга. Кейинги навбатда талабаларнинг диққатини асарнинг нақарот-вариантлик шаклларида қаратиш ва шу билан Ф. Шубертнинг кўпчилик вокал асарларидаги шунга ўхшаш хусусиятларига қаратиш мумкин. Сўнгра А. Даргомижскийнинг “Мельник”

қўшиғидаги иккита образнинг яратилиши ва уларнинг ўзаро контрастлигини тушунтириш лозим. Вокал миниатюра асарлари, одатда, ижрочи ёки ёзув магнит ленталари орқали намойиш этилади (албатта, асар таҳлилидан сўнг). Бу туркумли асарларни ўрганишда туркумли инструментал асарларнинг таништирувидан бошлаган маъқул, чунки талабада бу жанр ҳақида маълум тушунча бўлса, мавжуд асарларни таҳлил қилиш ва ўзлаштириш шунча осон кечади. Бу мавзу учун Ф. Шубертнинг “Прекрасная мельничиха”, Р. Шуманнинг “Любовь поэта”, И. Глинканинг “Прощание с Петербургом” асарларини олиш мумкин. Уларнинг тематик жиҳатдан ҳар хил эканлиги ҳақида алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Машғулотнинг хотимасида намойиш этилган асарларнинг умумий хулосаси берилади ва ўзаро мулоқот тарзида аҳамиятли бўлган айрим хусусиятлар такрорлаб ўтилади. Бундан ташқари, талабаларда аниқ таассурот қолдириш учун маълум асарни иккита композитор ижодида кўриш ҳам мумкин. Масалан, “Ночной зефир” И. Глинка ва А. Даргомижский ижодида ёки “Не пой, красавица, при мне” И. Глинка, М. Балакиров ва С. Рахманинов ижодида.

Хулоса қилиб айтганда, машғулотлар давомида кўрсатиб ўтилган услублардан мумкин қадар фойдаланилса, талабаларнинг малакаси ва тажрибаси ўсиб боради, катта натижаларга эришишларига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Беляева Т. М. Автопортрет в интертексте. “Музыкальная академия”, 2020, №4, с. 220.
2. Болдачёв А. Этические особенности кроссдисциплинарных проектов. “Музыкальная академия”, 2020, №4, с. 36.
3. Гейлич М. Формы в русской классической опере. -Москва: 1988.
4. Гинзбург Л. О работе над музыкальным произведением. -Москва: 1981.
5. Стасов В. В. Современные вопросы музыкознания. -Москва: 1976.
6. Проблемы профессионального обучения музыкантов. Сборник статей ТГК Изд. Литература и искусство. -Ташкент: 1988.
7. Орлова Е. Методические заметки о музыкально-историческом образовании в консерватории. -Москва: “Музыка”, 1983.
8. Нестьева М. Воспоминания...Сравнивая... “Музыкальная академия”, 2018, №4, с. 5.
9. Янов-Яновский Ф. М. О некоторых проблемах подготовки композиторских кадров в Узбекистане. В кн.: Вопросы музыкальной педагогики и исполнительства. -Ташкент: 1985, с. 20.





Руслана ИСЛАМОВА,
доцент Государственной консерватории Узбекистана

К ВОПРОСУ ОБ ИННОВАЦИОННЫХ ПОДХОДАХ В ПОВЫШЕНИИ КВАЛИФИКАЦИИ УЧИТЕЛЕЙ ВОКАЛЬНОГО АНСАМБЛЯ СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО МУЗЫКАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Драматурглар ва театр, театр ва томошабинлар орасида ўзаро ижодий муносабатлар яхши натижа бера бошлади. Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда тез-тез фикр алмашувлар, пьесалар бўйича муҳокамалар ўтказилди. Мана шу даврда қўшиқлари ва миниатюралари билан танилган ёш шоир, ёзувчи К. Раҳманов бетакрор асарлари билан театрда қадам қўйди. Унинг қаламига мансуб “Келин” спектаклидан сўнг “Ярали юраклар”, “Лаққилар касалхонада”, “Инжиқнинг муҳаббати” ва бошқа пьесалар театр репертуаридан жой олди. Қ. Матмуратов, О. Абдирахманов,

С. Жумагулов, М. Низановлар сахна асарлари билан 1980-йиллардан бошлаб миллий драматургиямиз ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. “Омирбек ва Тазша”, “Ўжар”, “Икки дунё овораси” каби миллий колоритга бой спектакллар томошабинлар кўнгилдан жой олди.

1976 йили Қорақалпоғистон ва бошқа вилоятлар театрлари телефестивалининг якуни бўйича театрга биринчи ўрин берилиб, Ўзбекистон Маданият вазирлигининг дипломи билан тақдирланди. Шу йили М. Каримнинг “Ой тутилган тунда” (режиссёр Н. Ансатбаев) спектакли олдинги уюшма театрлари орасида энг яхши сахналаштирилган спектакль мукофотини олишга муяссар бўлди.

1977 йилда театр “Ўқимат белгиси” ордени билан тақдирланди. 1980 йилда Ўзбекистон Республикаси театрлар орасида ўтказилган, Иккинчи жаҳон уруши йиллари мавзусига бағишланган спектакллар фестивалида К. Раҳмановнинг “Ярали юраклар” (режиссёр Н. Ансатбаев) спектакли биринчи ўринни эгаллади ва Сапар ота ролидаги Шамурат Ўтемуратов “Энг яхши эркак роль яратувчиси” номинацияси ғолиби бўлди.

1983 йилда Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон театри кўнлари бўлиб ўтди. Театр жамоаси Ж. Аймуразаевнинг “Бердақ” мусиқали драмаси, С. Хожаниязовнинг “Суймаганга суйкалма” мусиқали комедияси, К. Раҳмановнинг “Келин” комедияси, М. Каримнинг “Ой тутилган тунда” ва Г. Гориннинг “Номи ўчсин” драмаларини томошабинларга инъом этди.

80-йилларда оддийликдан мураккабликка ўтиб бўлинган давр эди. Энди йирик ҳажмли асарларни сахналаштиришга имкониятлар очилиб, миллий опера ва балет сахналаштирадиган вақт келганди.

1987 йилда композитор, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон санъат арбоби Н. Мухаммеддинов томонидан яратилган биринчи қорақалпоқ миллий операси – “Ажиниёз” сахналаштирилди. Либреттоси

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири И. Юсупов қаламига тегишли.

Бу операнинг саҳналаштирилиши театрнинг янги йўналишини белгилаб, унга 1989 йили “Муסיқали театр” мақоми берилди. Олдин муסיқали драма ва комедия театри сифатида аралаш чолғулар ансамбли (оркестри) фақат муסיқали драма спектакллари ва унисон концерт дастурлари билан халқимизга хизмат қилиб келган бўлса, 1989 йилдан бошлаб кўп жанрли театрлар қаторига кирди ва опера, балет, муסיқали драма ва комедия, драма спектакллари саҳналаштириш имкониятига эга бўлди. Бундай театр олдинги уюшма кўламида фақат иккита жойда бор эди. Энди у Қорақалпоғистонда ҳам вужудга келиб, кўпгина жанрларда спектакллар намойиш этиш имконияти туғилди. Театрга аввалги филармониянинг симфоник оркестри созандалари ва чолғулари тўлиқ ўтказилди. Актёрлар таркибида вокал актёрлари, драма актёрлари, хор, балет труппалари фаолиятини бошлади. Дунё стандартларига жавоб берадиган, муסיқадаги энг йирик синтетик жанр – опера асарлари саҳна юзини кўрди. Оркестрга Сапарбай Палванов бош дирижёр, Қурбанбай Заретдинов бош хормейстер этиб тайинланди.

Олдинги кичик, тўлиқ бўлмаган, аралаш чолғулар оркестри билан театр саҳнасида ижро қилиниб келган “Суймаганга суйкалма”, “Уч бўйдоқ”, “Бердақ”, “Аҳмоқ подшоҳ”, “Ошиқ Ғариб” муסיқали драмалари тўлиқ

оркестр таркиби учун қайта ишланиб, стандартларга жавоб берадиган даражада ижро этила бошланди.

Театр эндиликда кўп жанрли бўлиб, опера, балет, муסיқали драма ва драма спектакллари саҳналаштирилди. 1990 йилда Қозоғистон Республикаси Олма-Ота шаҳрида “Ажиниёз” операси, “Ошиқ Ғариб” муסיқали драмаси, “Келин” комедияси намойиш қилинди. Г. Толегенов саҳналаштирган “Ажиниёз” миллий операси 1993 йил январда илк маротаба Тошкент консерваториясида (ҳозирги Ўзбекистон давлат консерваторияси), 1993 йили Ҳамза номидаги ўзбек давлат драма театрида (ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театри) “Шарьяр” спектакллари қўйилди.

80-йиллар ўрталари ва 90-йиллар бошида катта ва ўрта авлодга мансуб профессионал композиторлар – А. Султонов, Х. Турдикулов, А. Хайратдинов, Н. Мухаммеддинов, М. Жиемуродов, С. Палвановлар билан бир қаторда композиторлар ва мелодистларнинг янги авлоди пайдо бўлди: Ўзбекистон давлат консерваториясида таълим олган К. Абдуллаев, Ш. Пахратдинов, Қ. Заретдинов каби композиторлар театр ривожига ҳисса қўшиб, янгидан-янги саҳна асарларини яратдилар. Қорақалпоқ муסיқали театрининг босиб ўтган йўли, профессионал даражага кўтарилиши, “Муסיқали театр” мақомининг берилиши шу масканда ижод қилаётган инсонларнинг машаққатли меҳнатлари маҳсулидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Баяндиёв Т. Каракалпакский театр им. К. С. Станиславского. “Фан”, -Ташкент: 1971.
2. Адамбаева Т. Революцияға шекемги қарақалпақ музыкасы. -Нөкис: “Қарақалпақстан”, 1976.
3. Адамбаева Т. Қарақалпақ Совет музыкасы тарийхынан. -Нөкис: “Қарақалпақстан”, 1985.
4. Алланазаров Т. Каракалпакский советский театр. -Ташкент: 1986.

Гулчеҳра КАРИМОВА,

Ўзбекистон давлат консерваторияси мустақил изланувчиси

УЙҒУР ХАЛҚИНИНГ МАВСУМИЙ МАРОСИМЛАРИ ХУСУСИДА

Аннотация

Маълумки, уйғур фольклори, хусусан, маросим қўшиқлари қадимдан шу халқ ҳаётининг бир қисмини ташкил этиб келган. У бевосита аҳолининг турмуш тарзи ҳамда меҳнат турлари билан алоқадорликда юзага келган ва ана шу меҳнат, мавсумий ва оилавий жараёнларни мадҳ этишга бағишланган бўлиб, узоқ ўтмишнинг бебаҳо маънавий обидалари сифатида тасаввур беради. Мазкур мақоланинг асосий вазифаси – маросимларнинг жанр жиҳатидан таснифланиши ҳамда мавсумий маросимнинг ўзига хослигини ажратиб кўрсатишдир.

Калит сўзлар: маросим, қўшиқ, муסיқа, жанр, нахшо, машрап.

Известно, что уйгурский фольклор, особенно обрядовые песни, издревле считались частью жизни уйгурского народа. Они напрямую связаны с образом жизни и видами труда населения и посвящены прославлению этих трудовых, календарных и семейных процессов, представляя их как бесценные духовные памятники из далекого прошлого. Основная задача этой статьи – классифицировать обряды по жанрам и выделить специфику календарных обрядов.

Ключевые слова: обряд, песня, музыка, жанр, нахшо, машрап.

Abstract

It is known that Uyghur folklore, especially ceremonial songs, has long been an integral part of life of the Uyghur people. It reflects the lifestyle and occupational specifics of the population and is dedicated to the glorification of labor, seasonal and family processes, depicting them as priceless spiritual symbols of the distant past. The main task of this article is to classify the ceremonies by genre and to have a closer look at the specifics of seasonal ceremonies.

Keywords: ceremony, song, music, genre, nahsho, mashrap.

Уйғурлар – Марказий Осиёда қадим замонлардан бери яшаб келаётган қадимги турк қабилаларининг замонавий авлодларидир.

Уйғур муסיқа санъатига оид биринчи маълумотлар “Минг уй” номли қимматбаҳо меъморчилик ёдгорлиги деворларидаги гўзал суратлар кўринишида сақланиб қолган. Бу иншоот II–XIV асрларга

тааллуқли. Суратларда раққосалар, шунингдек, уйғур чолғулари – дутар, равап, най, сурнай ва бошқаларда ижро этаётган муסיқачилар тасвирланган.

Уйғур муסיқаси, хусусан, фольклори, ҳозирги кунда нисбатан кам тадқиқ этилган соҳа ҳисобланади. Лекин унга бўлган қизиқиш кўпчилик саёҳатчилар, этнографлар, олимларнинг ишларида

кўринади. Шундай қилиб, VII аср бошида хитой саёҳатчиси Сюань Цзань Шарқий Туркистоннинг “Куча” номли уйғур феодал хонлигига шундай таъриф беради: “У ердаги мусиқачилар най ва дуторда моҳирона ижро этиб, бошқа барча давлатлар мусиқачиларидан устундир” [1; 12].

Турли халқларнинг мусиқий мероси таркибида узоқ тарихий жараёнда шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб, сайқал топиб келган шундай фольклор намуналари мавжудки, улар муайян миллат, хусусан, уйғур халқи маданиятининг бойлиги ҳисобланади. У ҳар қайси даврнинг инъикоси ва садосидир. Халқ томонидан оҳангга солиниб, оммабоп томоша, тўй, турли маросимлар (мотам, мавсумий, меҳнат ва бошқалар) ва махсус саҳналарда айтиладиган кўшиқларнинг аксарияти ана шундай фольклор намуналаридандир. Халқ кўшиқларини уйғурлар “нахшо” деб атайдилар. Булар мазмун жиҳатидан халқ оммаси турмушини ва ҳаётга бўлган қарабини ифодалайди. “Нахшо” атамасини атоқли рус уйғуршуноси Н. Н. Пантусов “Таранчинские песни” илмий тадқиқот ишида илк маротаба келтирган бўлиб, уйғур нахшоларининг айрим турлари ва номлари ёритилган (матнлари билан).

Уйғур халқининг маиший ҳаётида мусиқа ва рақслар муҳим ўрин тутди. Байрамлар, халқ тантаналари, йиғилиш кечалари, тўй каби оилавий байрамлар кам ҳолларда мусиқа ва рақсиз ўтган. Уйғур халқ кўшиқларининг куйлари ўзига хос интонацион хусусият билан ажралиб туради. Одатда, кўшиқлар оғзаки анъанада авлоддан-авлодга ўтиб келган. Кўшиқлардаги мусиқий жўрлик кўшиқ куйини қайтариб, куй ритмини таъкидлаган.

Уйғурларда халқ оғзаки ижодиёти кенг ривожланган, айниқса, лирик поэзияга эътибор кучли бўлган. Уларнинг маиший ва маданий ҳаёти билан танишган саёҳатчи ва тадқиқотчилар бу халқнинг мусиқий истеъдодини, кўшиқ, мусиқа ва рақсга муҳаббати кучлилигини таъкидлаб ўтганлар. Уйғур фольклорида тарихий

воқеаларни баён этувчи поэтик шаклдаги кўшиқларнинг катта туркумлари, шунингдек, кенг қўламдаги лирик кўшиқлар ва афсоналар мавжуд. Ва ниҳоят, уйғур мусиқа фольклорида турфа хил маросим кўшиқлари ўрин олган, уларни тўй ва оилавий маросимлар, даволаш ва меҳнат маросими кўшиқларига таснифланиши бежиз эмас. Хусусан, Р. С. Абдуллаевнинг “Обряд и музыка в контексте культуры Узбекистана и Центральной Азии” китобида [2] Ўзбекистон ва Марказий Осиё халқлари (қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, уйғур) маданиятига оид маросимлар мавсумий, оилавий ва эътиқодий таснифланиши бўйича, тарихий ёритилиши, жанр таркиби ва энг муҳими, мусиқа билан алоқадорлиги даражалари тадқиқ этилган. Мазкур китоб ушбу мақоладаги уйғур маросим кўшиқларининг жанр жиҳатидан таснифланиш қоидаларини белгилаб берган. Кейинчалик уйғур халқи маросим кўшиқлари намуналарини таҳлил этишда Р. С. Абдуллаевнинг тажрибалари таянч қилиб олинган.

Маросим кўшиқлари уйғур халқи маънавий ҳаётида қимматбаҳо соҳа ҳисобланади. Илк асрлардан буён шаклланиб, ривожланиб, ҳозирги кунда ҳам ўрнини йўқотмаган, бу эса, ўз навбатида, унинг келажақда тўлақонли яшاشига далилдир. Маросим кўшиқлари тегишли маросим учун мўлжалланган ва йилнинг маълум кунларида ёки маълум вазиятлар билан боғлиқ ҳолда ижро этилган. Мусиқа, сўз ва ҳаракатларнинг ажралмас алоқаси нафақат у ёки бу маросимларга хос ҳисобланган асар мазмунини, балки уларнинг ички тузилиши, мусиқий-поэтик хусусиятлари, ижрочилик услуби ва ижрочилар таркибини аниқлаган.


Ҳар бир халқнинг ўз миллий маданияти билан боғлиқ маросим ва урф-одатлари бор. Улар маданиятнинг ривожланишини, этно-генетик алоқаларини ўрганишда муҳим омил ҳисобланади, шу халқнинг тарихини маълум ижтимоий-иқтисодий шаклда акс эттиради ҳамда миллатнинг маънавий дунёсини шакллантиради.

Миллий маросим – нафақат тўй, бола туғилиши, тарбияланиши билан боғлиқ ҳаракат, балки халқнинг бой анъаналарига тўла тарихи ва маданиятидир.

Марказий Осиё халқлари, хусусан, уйғур халқи ҳаётида улкан ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш натижасида маросим қўшиқларига таъсир кўрсатган муҳим ўзгаришлар юзага келди.

Уйғур маросим қўшиқлари ҳам барча санъат намуналари каби тузилиши, бадий хусусиятлари, қўлланилиш ўрни ва бажарадиган вазифаларига кўра муайян жанрларга бўлинади.

космология билан тор алоқага эга. Халқ онгида табиат ҳаёти жамият ҳаётига мос тушган, байрамлару маросимлар бу вазиятда ижтимоий ва табиий ҳодисаларни туташтирувчи омил сифатида амал қилган ҳамда маданиятнинг юқори намунаси ҳисобланган. Қадимий турк халқларида, хусусан, уйғурларда йил фаслларининг ўзаро ўрин алмашуви “бирининг ўлими” (охири) ва “иккинчисининг тикланиши” (боши) кўринишига эга. Шу тариқа уларнинг тадрижий занжири вужудга келди:



Марказий Осиё халқларининг мавсумий маросимлари бевосита тақвим ва йил фасллари билан боғлиқ бўлган турфа хил меҳнат фаолиятини ҳам ўз ичига олган. Ҳар бир маросим ўз қонун-қоидалари, куй-қўшиқлари, жўрлик қилувчи чолғу асбобларига эга.

Д. Д. Доржиеванинг уйғурлардаги Наврўз ва гул сайилларига бағишланган илмий мақолаларида бу халқда Янги йил кутиш маросими [3], табиатга итоат, сув ва оловга ибодатлар ҳанузгача сақланганлиги ҳақида далиллар келтирилган [4; 19-22].

Мавсумий маросим нахшоларига қишлоқ хўжалик мавсумининг байрам ва маросим нахшолари киради. Марказий Осиё халқлари ҳаётида байрамларнинг йиллик туркуми муҳим аҳамиятга эга бўлган, зеро у фаслларнинг табиий алмашинуви, фалак ҳаракати, анъанавий

1. Туғилиш (пайдо бўлиш).
2. Ўсиш (ривожланиш).
3. Деградация (пасайиш).
4. Ўлим (йўқолиш) [5].

Бу хусусият нафақат мавсумий, балки бошқа бир қатор оилавий ва диний маросимлар туркумларида ўз аксини топган.

Бизгача етиб келган мавсумий маросим нахшолари, асосан, қишлоқ хўжалигининг мусиқий-поэтик намуналаридир ва ўтмишдаги аграр фаолият ва уларга ҳамроҳ нахшолар ҳақида тушунча ҳосил қилишга ёрдам беради.

Мавсумий маросим нахшоларини мавсумий ва функционал хусусиятларига кўра икки турга ажратиш мумкин: қишки, баҳорий, ёзги ва кузги нахшолар; қутловчи, табрикловчи нахшолар.

Шуниси маълум бўлдики, мавсумий маросим нахшолари маросим турлари, ижро этиш услуби, жанрлари жиҳатидан турларга бўлинади. Масалан, баҳорда табиатнинг янги ланиш маросими

бўлмиш “Наврўз” байрамини Марказий Осиё халқлари билан бирга уйғурлар ҳам нишонлайдилар, бунда улар ўз анъаналари, удумлари, нахшоларига эга. “Норуз”, “Лола”, “Бойчечак” нахшолари эса Марказий Осиёнинг бошқа халқларига ҳам хосдир. Шу билан бирга уйғурларнинг ўзига хос мавсумий нахшолари ҳам мавжуд. Буларга Хотан воҳасида амалда бўлган “Тағ нахшиси”, қашқарликлар куйлайдиган “Шах-шах чинар” ҳамда “Чиманда гул” нахшолари, “Тағлар ара” (Илий), “Чиманда гул” (Қашқар), “Ачил гул” (Турпан), “Гул ачилди”, “Бағда қизил гул” киради.

Бу нахшоларнинг ҳар бири маълум вазифага эга, аксарияти баҳордаги “гул сейли” маросимида йигитлар, қизлар ва аралаш гуруҳларнинг мавсумий ҳаракатларини баён этади.

Бундан ташқари, машраплар ҳам маросим жанри сифатида кенг қўлланилади. Масалан, “Кок машрипи” (Қумул) Норуз байрамида ўзбек халқига ҳам хос бўлган сумалак қайнатиш маросимидаги кўк сомса тайёрлаш вақтида ижро этилади. Фарқи шундаки, уйғурлар катта машрап уюштириб, нахшо-усулни ҳам кенг қўллайди.

Уйғур халқининг мавсумий маросимлари, асосан, баҳорий байрам туркумлари билан гуруҳланиб, маросимнинг асосий таркибларининг турғун қайтарилиши орқали фарқланади. Мавсумий маросим нахшоларининг таҳлили шуни кўрсатдики, кўпчилик қадимий нахшолар ҳозирги кунда замонавий услубда қўлланилишига қарамай, асл вазифасини сақлаб қолган. Байрамона-тантанали “Норуз калди”, махсус маросимлик “Бойчечак”, “Лола” ва бошқалар шулар жумласидан. Бинобарин, уйғурларда фақат Шарқий туркистонликларга хос бўлган, ҳозиргача турли ижроларда ва талқинда сақланган “Лола”, “Гул сайли” байрамини акс эттирувчи “Ачил гул” (Турпан), “Гул ачилди”, “Чиманда гул” (Қашқар), “Бағда қизил гул” каби мавсумий маросим нахшолари мавжуд. Бундан ташқари, инсоннинг табиат қонунларига итоат этиши, у билан ҳамнафас бўлиши, айна баҳорий мавсум билан боғлиқ “Тағ нахшиси” (Хутан), “Шах-шах чинар” (Қашқар), “Тағлар

ара” (Илий) каби маросим нахшолари ҳозир ҳам ижро этилади.

Ёшларнинг боғларда “Гул сайли” байрамида фаол иштироки “Ачил гул” нахшосида ёрқин тасвирланган. Куплет шаклига эга нахшо айна пайтда ҳар бир мисрада “ачил, ёр-ай” нақароти билан якунланади. Шеъринг матн асосида табиат кучларидан, очилаётган, очилган гуллардан ўз ёрининг васлига етишда ёрдам-маслаҳат сўраб мурожаат қилинган ҳикоя туради. Нахшонинг куй асосини ғамгин, равон, поғонама-поғона пастга томон йўналтирилган соф октава интервалидаги ва доимий қайтарилувчан оҳанг ташкил этади. Асосий поғона “ре” товуши бўлиб, ҳаракат ушбу товушдан келиб чиқади ва айнан унга қайтади. Нақаротнинг мусиқий оҳанг хусусиятлари банд оҳанглари билан сақлаган. Ҳазил характерга эга нахшо шу билан бирга минор лади – d-дорийда гавдаланган. “Ачил гул” нахшоси ҳозирги кунда замонавий услубда, стилистик ўзгаришларга учраб, овоз ёзиш студияларида қайта ишланиб, яккаҳон тарзда ижро этилади ва шу туфайли лирик нахшолар тоифасига киритилган.



Шу тоифага “Чиманда гул” нахшоси ҳам киради. Сардор бошчилигида бир гуруҳ йигитлар гул териш маросимида боғда ўз ёрларининг хусусиятларини мақтовли эпитетлар билан баён этади. Куплет шаклига эга нахшо ҳар бир

байтда “вай додай” нақароти билан якунланади. Нахшонинг куйи ғамгин, пастга томон равон йўналтирилган. Доимий қайтарилувчанлик хусусиятига эга. Куй тузилиши савол-жавоб тамойилига асосланган. Яккахон эркак ижрочи томонидан куйланади, нақаротида “вай додай” оҳанглари унисон гуруҳ қўллайди. Товушқатори g-дорий ладини ташкил этади.



Юқоридаги далиллар ва фикрлардан келиб чиққан ҳолда уйғур халқининг маросим қўшиқлари, хусусан маросим муסיқаси ҳақида куйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. Уйғур халқининг маданий меросида маросимлар асрий анъаналар таъсирида шаклланган ва мавсумий (“Гул сайли”, “Норуз”), оилавий (никоҳ, бешик, суннат тўйлари, аза-мотам маросимлари),

диний (“рамзан”, диний-даволаш) маросим турларига бўлинади.

2. Уйғур халқ маросим нахшоларига эътиборнинг кучайиши унинг давомийлигини келтириб чиқарди. Улар ҳам барча санъат намуналари каби, тузилиши, бадиий хусусиятлари, қўлланилиш ўрни ва бажарган вазифаларига кўра муайян жанрларга ажратилади.

3. Кенг қамровли кузатувлар натижа-сида уйғур халқ маросим қўшиқларининг маиший вазифаларини аниқлаш асосида таснифлаш ушбу қўшиқлар, аввало, фольклорнинг муҳим томонларини белгилаши – уйғур маросим қўшиқларида халқнинг тарихи, ижтимоий ҳаёти ҳамда бадиий онги акс эттирилганлиги аниқланди.

4. Таҳлил этилган мавсумий маросим нахшолари мазмун жиҳатидан табиат билан диалог, ундан ёрдам сўраш, дардини баён этиш хусусиятларига эга; куй жиҳатидан содда, оҳанглари эса пастга томон равон, поғонама- поғона йўналтирилган; диапозони кварта-квинта чегарасида; деярли барча нахшолар, шеърый матн мазмунидан қатъи назар, минор ладларига эга; ритмик ўзига хослик, албатта, миллат анъаналаридан келиб чиққан; замонавий услубда ишланган, лекин ўзининг аزالий вазифаларини йўқотмаган.

5. Маълум бўлдики, уйғур халқининг мавсумий маросим нахшолари ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмаган, амалдан кетмаган жанрдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пантусов Н. Н. Тарантические песни. 1890.
2. Абдуллаев Р. С. Обряд и музыка в контексте культуры Узбекистана и Центральной Азии. -Ташкент: 2006.
3. Доржиева Д. Д. Новогодняя обрядность уйгуров Восточного Туркестана в контексте фольклорно-этнографических данных о Наврузе//Вестник ВГУ, серия: История. Политология. Социология, 2007, № 2.
4. Доржиева Д. Д. Праздники цветов как пережиток древнего культа плодородия у уйгуров Восточного Туркестана//Вестник Челябинского государственного университета. 2009. № 41. История. Вып. 38.
5. Абдуллаев Р. С. Обрядовая музыка Центральной Азии. -Ташкент: 1994.
6. Жўраев М. Маросимнома. -Тошкент: 2008.



Нилуфар НУРМАТОВА,
Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа
санъати институти ўқитувчиси



ЗАМОНАВИЙ ФАКТУРА ВОСИТАЛАРИНИНГ ШАКЛ ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРИ

Аннотация

XX–XXI асрдаги Ўзбекистон композиторларининг ижодига мансуб баъзи замонавий асарларда лад, тоналлик, таянч товуш, функционал алоқалар, каденция каби тушунчаларнинг аҳамияти сусайди. Асарлар кўпинча пуантилистик фактура, сонор бўёқлар, кластерлар, тремололар, репетициялар, турли хил аралаш аккорд ва диссонанс товушлардан таркиб топган оҳангдошликлар асосига қурилади. Натижада асар яхлитлигини ташкил этувчи ҳамда шакл ҳосил қилувчи воситаларни аниқлаш муаммоси юзага келди. Ушбу мақолада Ўзбекистон композиторлари асарларидаги яхлитлик муаммолари замонавий фактуранинг баъзи воситалари орқали ёритиб берилади.

Калит сўзлар: яхлитлик, фактура, сонор бўёқлар, кластерлар, марказий унсур, тембр, ритм, динамик воситалар.

В некоторых современных произведениях узбекских композиторов XX–XXI веков значение таких понятий, как лад, тональность, основной звук, функциональные связи, каденция, снижается. Произведения часто начинали строиться на основе мелодий, состоящих из пуантилистических фактур, звучных красок, кластеров, тремоло, репетиций, различных смешанных аккордов и звуков диссонанса. В результате возникает проблема определения средств, формирующих целостность и форму произведения. В данной статье проблемы целостности произведений узбекских композиторов освещаются средствами современной фактуры.

Ключевые слова: целостность, фактура, сонорные звуки, кластеры, центральный элемент, тембр, ритм, динамические оттенки.

Abstract

In some modern works of Uzbek composers of the XX–XXI centuries, the importance of such concepts as mode, tonality, basic sound, functional connections, cadence decreases. The works often began to be based on melodies consisting of pointilistic factures, sonorous paints, clusters, tremoloes, rehearsals, various mixed chords, and dissonance sounds. As a result, there is a problem of determining the means that form the integrity and form of the work. In this article, the problems of integrity in the works of Uzbek composers are covered by some means of modern facture.

Keywords: integrity facture, sonorous sounds, clusters, central element, timbre, rhythm, dynamics.

XX – XXI аср жаҳон муסיқа маданиятида содир бўлаётган ўзгаришлар Ўзбекистон композиторлари ижодига ҳам таъсир кўрсатиб, миллий муסיқамизнинг замонавийлик билан ҳамоҳанг тарзда шиддат билан ривожланишига улкан ҳисса қўшмоқда. Жумладан, мустақиллик йилларига мансуб асарлар ёки нота ва партитуралар замонавий давр руҳи билан бойитилганли сезилади. Чунки улар замонавий фактура воситалари асосига қурилган десак, муболаға бўлмайди. Асар яхлитлигини таъминлаб берувчи лад, тоналлик, шакл, функционал алоқалар каби тушунчаларнинг аҳамияти йўқолиб, ўрнига пуантилистик фактура, сонор бўёқлар, кластерлар, тремололар, репетициялар, турли хил аралаш аккорд ва товушлар қўлланила бошланганлиги маълум бўлади. Натижада асар шаклини ҳосил қилувчи воситаларни аниқлаш муаммоси юзага келади. Замонавий даврга хос асарларда дастлаб тониканинг мураккаблашган диссонансли кўриниши, кейинчалик эса марказий унсур тушунчалари билан бир қаторда, фактуранинг баъзи воситалари мазкур муаммонинг ечими сифатида юзага келади. Ушбу мақолада фактуранинг замонавий кўринишлари ва уларнинг шакл ҳосил қилишдаги ўрни баъзи таҳлилий мисоллар орқали ёритиб берилади.

Замонавий ижодкорлар, ҳатто битта товушни ижро этиш ва унга олиб келувчи янги услубларни кашф этишда юқоридаги фактуравий турлардан кенг фойдаланмоқда. Ушбу воситалар “эшитувчиларда маълум тасаввурларни ҳосил қилиб, улар турли ҳодиса, туйғулар, экспрессияни вужудга келтириши ҳамда муסיқани аниқ, тушунарли, “мароқли”, “завқли” ва қизиқарли қилиб ифодалаши мумкин” [3].

Тоналлик ва функционалликка эга бўлмаган, замонавийлик руҳида яратилган


асарларда яхлитликни ҳосил қилишда фактуранинг ўрни жуда катта. Бу асарларнинг қандай шаклга эгаллиги фактура асосида аниқланиб, ундаги марказий элемент, тембр, ритм, вақт, динамика воситалари ва бошқалар бу жараёнда иштирок этади ҳамда контраст вазифасини бажаради. Замонавий фактуранинг фаол қўлланилиши унинг муסיқий шакл билан алоқаларини акс эттиради. Масалан, энергияга бой фактуранинг “синиши” (сийраклашиши) шаклдаги бўлимларнинг алмашинувида кенг қўлланилади (масалан, кўп ҳолларда бўлимларда янги тематик мазмун билан кириш қисмининг амалга оширилиши). Кадансларда фактураларнинг янгиланиб туриши ҳам кўп кўзга ташланади (зичлашиш, қуюқлашиш).

Замонавий фактуранинг шаклланишида ҳамда яхлитликни ташкил қилишда энг катта аҳамият касб этган восита – тембрдир. Товуш хусусиятларидан бири бўлмиш тембр оҳангдошликнинг регистрдаги жойлашувига боғлиқ бўлиб, улар қуйидагича намоён бўлган. Масалан, қуйи регистрда – зичлик, қуюқлик ифодаланса, юқори регистрда бўшлиқ, шаффофлик, ёруғлик сезилади. Мазкур оҳангдошликларнинг бир регистрдан бошқа регистрга ўтиши ҳамда товушлар сонининг кўпайиши ёки камайиши асарни шакллارга ҳамда ички қисмларга ажратишда ёрдам беради.


Д. Сайдаминованинг “Диалог № 3” асари замонавий фактуранинг тембр воситалари билан бойитилган ҳамда ушбу восита асарни цезураларга ажратишда муҳим роль ўйнайди. Асарда икки хил фактура қатламлари, яъни аниқ баландликка эга бўлган товушлар (роялнинг клавишалари) асарнинг ўрта қисмида ҳамда аниқ баландликка эга бўлмаган товушлар (роялнинг торлари), асосан, асарнинг кириш ва якуний қисмларида кўпроқ келтирилган. Асарнинг цезураси ва ички қисмлари эса мана шу тембрларнинг

солиштирилиши орқали намоён бўлади. Масалан, ҳар бир қисмнинг сўнгида товуш тембри тасодифан баснинг энг паст регистрига ўзгартирилади ва паузалар, динамик белгилар ҳамда фермато орқали цезура ташкил қилинади (мисол а, б, с).

Мисол: а)



б)



с)



якуний қисм



Фактурадаги ритм воситаси ҳам шакл ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, турли хил ритмик ўлчовларнинг мунтазам ўзгариб бориши, товушларда ритмик репетицияларнинг шаклланиши, ритмик паузалар, ҳар хил ритмик блоклар, пульсация ва бошқалар асар шакллари орасида контрастликни ҳосил қилиб, қисмларга ҳамда цезураларга ажратишда муҳим воситалардан бири сифатида яхлитликни ташкил қилади.

Замонавий фактурага асосланган асарларда вақтни бошқариш жараёни кўпчилик ижодкорларни ўйлантирувчи саволдир. Мусиқий вақт қуйидаги бир неча қатламларни таркибига киритган. Улар темп, ҳиссалилик, ритмик тизим, гармония ва умуман фактура билан тасаввур қилинади. Бу қисмлар бир-бирининг устида қатламланиб, маълум бир мусиқий шаклни ташкил қилади. Масалан, Н. Гиёсовнинг “Нақшлар №3” асари якунида фактурадаги ритм, метр, динамика ва бошқа воситалар вақт жиҳатидан моҳирона қисқартирилганки, ушбу “вақт ўйини” товушларнинг сонини ҳам сийраклаштириб, асарни якунланиш эффектини яратиб беришда муҳим роль ўйнайди. Яъни бунда кластернинг тўрт маротаба кетма-кет янграб, сўнг унинг гаммасимон горизонтал кўринишда берилиши (мисол а) асарнинг бош формуласи ҳисобланиб, ҳар бир қисм худди шу комбинация билан бошланади. Асарнинг якуний қисмида ушбу кластер ҳар сафар такрорланганда аста-секин сон жиҳатидан камайиб, аввал иккита, кейин битта, сўнги тактда эса худди мана шу кластер товушлари алоҳида мелодик сочиб юборилади ва товуш йўқолади (мисол б).

Мисол: а)



б)



Фактурадаги динамик воситалар ҳам асар шаклини аниқлашда муҳим омиллардан бўла олади. Чунки баъзи асарларда товушларга қўйилган динамик воситалар, масалан, товушни кучайтириш ёки пасайтириш, товушга урғу бериш каби ҳолатлар асарнинг марказий элементини белгилаб бериши мумкин. Замонавий асарларнинг аксарияти марказий элементнинг *sf*, *fff* ёки акцентлар каби кучли динамик воситалар орқали ажратиб кўрсатилиши билан ички қисмларга бўлинади. Яъни бўрттириб кўрсатиш орқали асарнинг бир қисми якунланиб, янги бошланувчи қисм билан контрастлик ҳосил қилади. Бу билан эса асарнинг шаклланиши ҳамда яхлитлиги ташкил қилинади. Д. Сайдаминованинг “Диалог №1” асарида ҳам ушбу ҳолатни кузатишимиз мумкин. Асар уч қисмга бўлинади. Марказий унсур ҳисобланган соль – ля-бемоль – ре (ребемоль, редиез) оҳангдошлиги асарнинг кириш қисмида аста-секинлик билан, гармоник горизонталда бирин-кетин шаклланади (мисол а). Асосий қисм ҳам айнан шу товушлардан бошланиб (мисол б), ҳар бир қисм якунланганида унинг вариантли кўринишлари кучли *sfff* орқали таъкидланиб, узоқ чўзим ва фермато орқали ушлаб турилади. Асар сўнгида ҳам глиссандо орқали марказий унсурнинг асосий товуши соль ва басда эса ре-бемоль – соль – ля-бемоль аккорди орқали якун ясалади (мисол с).

Мисол:

а) кириш
(♩=100 Energico. Espressivo)

б) 1-қисм

в) сўнги такт

Хулоса қилиб айтганда, XX–XXI асрдаги замонавий фактура воситалари асарнинг шаклини белгилаб бериш, қисмларга ажратиш, цезураларни аниқлашда муҳим восита ҳисобланади. Таҳлиллардан маълум бўлдики, тоналлик жиҳатидан ноаниқ, функционал суств сонор бўёқлар, кластерлар қатнашган мураккаб замонавий асарларда кульминацион эффектни янада кучайтиришда ёки унинг акси ҳисобланган, асар якуновлидаги товушнинг аста-секин сийраклашиб, йўқ бўлишини ифодалашда фактуравий воситаларнинг аҳамияти жуда катта. Масалан, бу ҳолатларда товушлар динамикаси, тембр ва регистр воситалари орқали мазкур вазифа амалга оширилган. Баъзи асарларда нафақат товуш, балки мусиқа фазоси ҳам ритм, метр, динамика ҳамда вақт каби замонавий фактура воситалари орқали моҳирона қисқартирилганлигининг гувоҳи бўлди. Юқорида келтирилган воситалар орқали цезуралар ташкил қилиниб, ўзаро

контрастликни ҳосил қилиши, асарни шаклларга ажратиш имкониятини янада ошириб, бир неча фактуравий қатламлар уйғунлигида мураккаблаштирилган асарларда эса яхлитликни, бутунликни шакллантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Скребкова-Филатова М. С. Фактура в музыке. -Москва: 1985.
2. Шульгин Д. И. Современные черты композиции Виктория Екимовского. -Москва: 2003.
3. Abdikayumova G. O'zbekiston kompozitorlari ijodiyotida faktura. -Toshkent: 2015.
4. Ганзен В. А. Восприятие целостных объектов. -Ленинград: 1974.
5. Гуляницкая Н. Введение в современную гармонию. -Москва: 1984.
6. Do'stmatov H. O'zbekiston kompozitorlari ijodiyotida sonozizm. -Toshkent: 2015.
7. Красникова Т. Н. Фактура в музыке XX века. -Москва: 2008.



Музаффар ТАШПУЛАТОВ,

Ўзбекистон давлат консерваторияси 2-босқич (PhD) таянч докторанти

АБДУРАУФ ФИТРАТ ИЖОДИ ЎЗБЕК КЛАССИК МУСИҚАСИ ТАРАҚҚИЁТИ КЕСИМИДА

Аннотация

Мақола атоқли ўзбек фан ва маданият арбоби Абдурауф Фитрат ижодига бағишланган. Мутафаккирнинг йирик ўзбек мусиқий мероси бўлмиш Шашмақом тизими ҳақидаги илғор ғоялари муаллифнинг алоҳида эътиборини тортади.

Калит сўзлар: мусиқа, Фитрат, санъатшунослик, Шашмақом, ноталаштириш.

Статья посвящена творчеству выдающегося узбекского деятеля науки и культуры Абдурауфа Фитрата. В ней особое внимание автора привлекают прогрессивные идеи мыслителя, касаемые узбекского музыкального наследия – монументального цикла Шашмаком.

Ключевые слова: музыка, Фитрат, искусствоведение, Шашмаком, нотирование.

Abstract

The article is devoted to the creative work of Abdulrauf Fitrat, the prominent Uzbek figure of science and culture. The author draws special attention to the progressive ideas of the thinker in terms of Uzbek musical heritage - the monumental cycle of Shashmakom.

Keywords: music, Fitrat, art history, Shashmakom, notation.

Фитрат тимсолида ёзувчи, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос ва сиёсатшунос олимлик қирралари мужассам. Фитрат фаолиятининг ҳар бир қирраси ўзбек маънавиятида янги саҳифалар очилишига сабаб бўлган. Бир сўз билан айтганда, Фитрат – ватанпарвардир.

Ижтимоий-маданий ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган Фитрат ташаббуси билан 1921 йилда Бухорода “Шарқ мусиқа мактаби” ташкил қилиниши муҳим маданий ҳодиса бўлди. Ўқув даргоҳи учун у дастлаб ўз уйини ажратиб бериши ва унинг фаолиятига бевосита мутасаддилик қилиши, шунингдек, мактабга Ота Жалол, Ота Ғиёс, Левича, Домла Ҳалим Ибодов, Шохназар Соҳибов, Бобоқул Файзуллаев, Маъруфжон Тошпўлатов каби машҳур ҳофизу мақомшуносларни жалб этиши, Бухоро зиёлиларининг мусиқа мактабидан кўзлаётган мақсадлари нақадар улғ

эканлигидан далолат беради. Бу даргоҳда, асосан, мумтоз мусиқа – Шашмақом тарғиботи ва таълими йўлга қўйилди.

Мусиқа маданияти соҳасидаги саъй-ҳаракатларнинг муттасил давоми сифатида яна бир тарихий тадбир амалга оширилди. У ҳам бўлса Фитрат ташаббуси билан рус этнограф ва мусиқашуноси В. Успенский Шашмақомни илк бор замонавий нотага олиш учун Бухорога таклиф қилинди. Фитрат ҳомийлиги ва В. Успенскийнинг заҳматли меҳнатлари самараси сифатида 1924 йилда “Шашмақом” “Шесть музыкальных поэм” (“Олти мусиқий дoston”) номи остида Москвада нашр этилди [1; 42].

Абдурауф Фитрат – адаб, илм-фан ва маърифат пешвоси ўрнида серқирра ижоди орқали тарихимизда чуқур из қолдирган удкан шахс. Фитрат 1928 йилда ўша пайтда Ўзбекистоннинг пойтахти бўлиб

турган Самарқанд шаҳрида нафақат муסיқа ва рақс институтини оёққа қўйишда фаол иштирок этди, балки ғоявий эмакдош ўрнида улкан жонбозлик кўрсатди.

Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, Фитрат ўзбек муסיқаси тўғрисидаги мақолалари ҳамда “Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи” рисоласи билан XX аср ўзбек муסיқашунослигининг тамал тошини қўйишга интилди. Маълумки, бизда ўзбек адабиёти ва муסיкий меросига нисбатан илк маротаба “классик” тушунчасини А. Фитрат ўзининг “Адабиёт қоидалари” ва “Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи” асарларида киритди. Унинг кенг мафкураси, жумладан, европача билимлари бу умумий универсал атамани жорий қилганлигининг асосий сабаби дейиш мумкин. Зеро, кўп ўринларда “классик” сўзи ўзбек тилидаги “мумтоз” сўзи билан маънодош ўрнида қўлланилганлигини эслатиб ўтиб, профессор Фитратнинг айнан “классик” атамасида тўхталганлиги ва бутун бошли рисоланинг “Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи” деб номланганида ҳам ўзига хос маъно борлигини таъкидлаш зарур.

Маълумки, “классик” тушунчаси инсоният бадиий меросининг олтин нуқтаси сифатида тан олинган энг мукаммал ва дунёвий аҳамиятга молик намуналарига нисбатан ишлатилади.

“Классик” даражасини таъкидлаш учун Фитрат, аввало, “Адабиёт қоидалари” рисоласида “санъат” тушунчасига умумий таъриф беради: “Санъат луғатда ҳунар демакдирким, бир нарсани ёхши (яхши) ишлаб чиқаришдан иборатдир” [2; 72]. Фитрат наздида санъат дейилганда, аввало, бирон-бир эзгу мақсадга хизмат қиладиган ҳунар-ишдир. Аммо, танбур ёки дутор чолғусини яшаш санъати билан танбурда муайян бир куйни, масалан, “Ироқ” ни ижро этиш санъати орасида ўзига хос фарқ борлигини ҳам таъкидлайди. Бинобарин, танбур чолғунинг санъат сифатидаги яхшилиги бирор ишга яраганлиги бўлса, “Ироқ” куйининг яхшилиги унинг инсонга маънавий таъсир этиши ҳамда инсон

онгини тўлқинлантиришидир, деб хулоса қилади.

Шунга кўра, унинг яхшилигини, афзаллигини гўзаллик деб атайди ва бу каби санъатларни умуман “гўзал санъат”лар дейилишини таъкидлайди: “Юрак, фикр, туйғу тўлқинларини сўз, бўёв (ранг-бўёқ) шакл, ҳарф, ҳаракат каби товар (материал)лар ёрдами билан жонлантира чиқариб, бошқаларда ҳам шу тўлқинни яратмоқ ҳунарига – гўзал санъатлар дейиладир”, - деб таъриф беради. Улар жами олтига: 1. Муסיкий. 2. Расм. 3. Ҳайкалчилик. 4. Меъморчилик. 5. Ўйун (танс). 6. Адабиёт [2; 64].

“Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи” рисоласида “гўзал санъатлар”дан классик муסיқа хусусида фикр юритилганда бутунги кунда ушбу тушунчанинг маънодоши сифатида биз қўллаётган “мумтоз” ёки “мумтозона” сўзларига назаримиз тушмади. Фитрат рисоланинг ички қисмида ҳам “классик” тушунчаси ўрнига кўп ҳолларда “миллий муסיқа” ёки “эски муסיқа” сўзларини қўллаган. Зеро, у ўз даврида асосий диний ва дунёвий билимларни хорижда олган ва ҳақли равишда чилим, носқовоқ даражасида уяладиган аҳволга келиб қолган муסיқамизни умуминсоний қадриятлар билан танишиш натижасида тиклашга муяссар бўлинганлигини таъкидлар экан, муסיкий амалиётимизда янгидан-янги атамаларнинг жорий этилиши тарафдори бўлиб майдонга чиқади.

Бинобарин, А. Фитрат ўз рисоласида бутунги кун учун муҳим аҳамият касб этадиган турли-туман “эл куйлари”, “эл ашулалари”, “олти қатор куйлар” ёки этнограф, композитор В. Успенскийга нисбатан “озод санъаткор” каби ибораларни қўллаганлиги ҳам қизиқарлидир.

1993 йилда “Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи” китобининг кирилл хатидаги нашри янги изоҳлар билан чоп этилди. Ушбу рисоладаги мавзуларни ўрганиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, Фитрат муסיқа илмига, энг аввало, назарий томондан ёндашган ва ўтмиш алломаларига пайравлик қилиб,

уларнинг мусликий рисолаларини чуқур ўрганиш йўли билан тегишли хулосалар чиқаришга интиланган аллома сифатида майдонга чиқади.

Фитрат асари қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган: 1-қисм – “Шарқ муслиқаси” 2 бўлим ва 5 фаслга ва 2-бўлим – “Муслиқамизнинг тарихига бир қараш” қисми эса ўз навбатида яна икки фаслга бўлинади.

Асарнинг муқаддима қисмида ўзбекларни ўрганиш қўмитаси ўзбек адабиёти ва тарихига оид кўплаб маълумотлар топилган бўлса-да, ўзбек муслиқасида соҳа мутахассислари муслиқашуносларнинг йўқлиги туфайли жиддий изланишлар олиб борилмаганлиги таъкидланади [3].

Кейинги энг муҳим нуқталардан бири Фитрат томонидан бот-бот такрорланган шашмақом байроғи остига кирмаган, эл куйлари хусусида бўлиб, халқ оғзаки ижоди намуналарига “ёпиқ тизим” и ўлчовида бўлган ҳолда “эл куйлари” ёки “термалари” эканлиги ва бу хусусда тегишли назарий маълумотлар йўқлигини ўринли таъкидлайди. 1925 йилда Ғ. Зафарий ва М. Юнус (Элбек)ларнинг “Эл ашулалари” тўплам нашрида ўз аксини топган “Яллама-ёрим”, “Додимға ет”, “Тулёр”, “Алла”, “Алиёр, алла”, “Омон-омон”, “Ёр-ёр” каби намуналарни санаб ўтади ва уларнинг мисраларидаги энг жонли, кўп қўлланадиган сўзларидан асарнинг номи келиб чиқишини таъкидлаш

билан чегараланади. Энг муҳим жиҳати, Фитрат мазкур куйларимизни текшириш, оҳанглари билан бузмасдан нотага олиш лозимлигини ҳаяжон билан таъкидлайди.

Ушбу қўлланмада бевосита муслиқага тегишли бир қатор тушунча ва атамалар ҳам тилга олинган. Хусусан, ашулага таъриф берар экан “Куй-оҳанг билан ўқиладиган шеърлар, тизмаларга ашула дейиладир. Ашула кўпроқ миллий (бармоқ) вазнда бўладир”, - дейилган таъриф, фикримизча, бутунги кун муслиқашунослиги учун жуда аҳамиятли.

Айни шу орзу-ҳаваслар қомида Ғ. Зафарийнинг “Ҳалима” си намоиши, М. Қориеқубов ва Н. Мироновлар ҳамкорлигида ашулаларимизнинг нотага олиниши ва мусликий тўгараклар ҳамда “Шарқ муслиқа мактаби” хусусида қисқача маълумотлар келтирилади.

Фитратнинг кескин сиёсий ўзгаришлар даврида вужудга келган “Ўзбек классик муслиқаси ва унинг тарихи” рисоласи миллий мероснинг қонуниятлари жо бўлган, ўтмиш ва янгича замон мафқуралари мужассамлашган улкан тадқиқот намунасидир. У ўзбек муслиқасининг ёрқин шакли – Шашмақом тимсолида минтақамиз мусликий салоҳиятини ўрганиш борасидаги янги ўзбек муслиқашунослигининг дебочаси сифатида беназир маънавий бойлик ҳамдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Успенский В. А. Шесть музыкальных поэм. -Москва: 1924.
2. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Нашрга тайёрловчи Болтабоев Ҳ. -Тошкент: “Маънавият” нашриёти, 1995, 278 б.
3. Фитрат А. Ўзбек классик муслиқа ва унинг тарихи. -Тошкент: “Фан”, 1994, 56 б.
4. Матёқубов О. Мақомот. -Тошкент: “Муслиқа” нашриёти, 2004, 402 б.
5. Жабборов А. Ҳ. Ўзбекистон бастакорлари ва муслиқашунослари. -Тошкент: “Фан” нашриёти, 2004, 450 б.



Рахмет ПАЛВАНОВ,

и. о. доцента Государственной консерватории Узбекистана



НАУЧНЫЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ КУРСА ЧТЕНИЯ С ЛИСТА

Аннотация

Музыкальная педагогика уже давно выделила вопросы развития навыка чтения с листа в разряд важнейших. Воспитание этого навыка дает гарантии успешной карьеры солиста, концертмейстера и ансамблиста, а также важен в будущей педагогической работе музыканта. Данная проблема разрабатывалась достаточно давно, но вопросы обучения чтению нот с листа до сих пор не имеют научно обоснованных практически доказанных решений. В данной статье мы попытаемся выстроить некоторые координаты, которые намечены нами в педагогической практике.

Ключевые слова: чтение с листа, пианист, музыкальный текст.

Муסיкий педагогика анчадан буён нотадан ўқиш қобилиятини ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларидан деб қарайди. Бу маҳоратнинг ривожлантирилиши яккахон, жўрнавон ва ансамбль ижроچиси сифатида муваффақиятли касбий фаолиятни кафолатлайди, шунингдек, муסיқачининг келажақдаги педагогик ишида муҳим аҳамиятга эга. Бу муаммо анчадан буён ишлаб чиқилган, лекин нотадан ўқишни ўрганиш масалалари ҳанузгача илмий тасдиқланган, амалий исботланган ечимларга эга эмас. Ушбу мақолада биз педагогик амалиётда қўрсатилган баъзи координатларни тузишга ҳаракат қиламиз.

Калит сўзлар: варақдан ўқиш, пианиночи, муסיкий матн.

Abstract

Musical pedagogy identified the development of sight-reading skills as the most important ones long time ago. Nurturing this skill guarantees a successful career as a soloist, accompanist and ensemble player, as it is very important for the future pedagogical work of a musician.

Despite the fact that this problem has been developed for long enough, the issues of teaching the sight-reading have still lack the scientifically substantiated practically proven solutions. In this article, we will try to build some coordinates that we have outlined in teaching practice.

Keywords: sight reading, pianist, musical text.

Успешность и профессиональный рост музыканта во многом зависят от навыка чтения с листа. Этот навык оказывается необходимым не только в сольной карьере, но и концертмейстерской и ансамблевой деятельности и что особенно важно в будущей педагогической работе музыканта.

Проблемы развития навыка чтения с листа уже давно являются краеугольным

камнем вопросов педагогики и методики воспитания профессионального музыканта. Уже в XVI-XVIII столетиях появились трактаты и пособия – Горчин, Ф. Э. Бах, Ф. Куперен, в музыкознании XX века ряд теоретических и методических работ обнаруживают множество подходов к названной проблеме. Это труды на русском языке Р. Верхолаз, Т. Беркмана, И. Серебровского, А. Алексеева, М. Лермана, В. Островской, М. Фейгина, Л. Баренбойма, Б. Милича,

Г. Цыпина, Л. Цибизовой, Л. Горелашвили, К. Цатуряна, П. Бережанского, также работы, переведенные с английского и немецких языков – Й. Гат, Л. Веспреми, Е. Бэннет, Х. Кэпп, Л. Хэйвл, В. Кайльман, С. Лоуренс, Л. Моури, К. Херман.

Казалось бы данная проблема разрабатывалась достаточно долго, но вопросы обучения чтению нот с листа до сих пор не имеют научно обоснованных практически доказанных решений. Так, Ш. Чхарташвили считает, что читка с листа одно из “слабых мест” многих музыкантов, даже уже играющих на большой сцене: “факты поразительного контраста при сопоставлении выступлений студентов-пианистов в сольных программах и в чтении с листа” [1]. В сборнике изданном педагогами кафедры фортепиано Государственного института культуры им. А. Е. Корнейчука находим, что “читка с листа – “ахиллесова пята” подавляющего числа учеников” [2], “именно отсутствие этого навыка является слабым звеном в подготовке учащихся, начиная с ДМШ и заканчивая ВУЗом” [3].

Достойна особого рассмотрения методическая литература посвященная начальному обучению детей в системе ДМШ, особенно в младших классах.

В работах Ф. Брянской, С. Ляховицкой, Л. Баренбойм, Б. Милич, В. Михелис, П. Бережанского, В. Голованова доказана эффективность методик связанных с обучением нотной грамоте.

Однако, многочисленная группа музыкантов, в профессиональной деятельности которых умение играть с листа приобретает особую актуальность осталась за бортом исследователей практиков и методистов. Здесь речь идет о студентах ВУЗов, в частности Государственной консерватории Узбекистана и учащиеся музыкальных факультетов Узбекского Государственного института культуры и искусства. Учебно-методическое пособие Р. И. Хорунжей [4] частично затрагивает ряд вопросов посвященных больше методике разбора музыкального текста, но при этом за бортом исследовательского взгляда остаются такие аспекты как: освоение целостного

художественного текста, решение эстетических задач и их воплощение в учете технических сложностей и др.

Исходя из педагогической практики было замечено, что у современных студентов с хорошо развитыми технологическими компонентами чтения музыкального текста с листа есть значительные отставания в развитии музыкального мышления. То есть восприятие нотного текста как художественного произведения оторвано от реального времени в котором происходит игровое действие. То есть, студент не читает произведение, а разбирает нотный текст. Таким образом, перед нами встает одна из краеугольных задач современного педагога – научить играть с листа на основе целостного процесса восприятия и озвучивания нотного текста и его активизации.

Основы чтения музыкального текста или как коротко говорят музыканты “читка” – это сложный многоуровневый процесс основанный на интегративном умении музыканта охватывать музыкальный текст. Навыки хорошего чтения музыкального текста вырабатываются на протяжении всего пути формирования исполнителя и включают в себя различные технические умения, а в сочетании с психофизиологическими механизмами составляют единый функциональный комплекс.

Вопросы изучения основ чтения нот с листа рассматриваются в методических учениях с эмпирических и теоретических позиций. В этой области накоплен внушительный научно-практический опыт, разработаны отдельные теоретические положения, научные концепции, проведены эксперименты.

Одна из наиболее разработанных и используемая в практической работе теорий принадлежит К. Мартинсену. Основанная на системном подходе теория многоканальности управления моторикой музыканта разобрана в работах О. Шульпякова, К. Цатуряна, В. Сраджева, в сочетании с работами Н. Бернштейна, А. Асмолова, В. Зациорского, О. Московченко, Л. Матвеева.

Следует четко понимать границу между двумя видами деятельности музыканта – читкой с листа и разбором. Разбор музыкального произведения это процесс медленного изучения нотного текста при котором допустимы остановки для более тщательного анализа. Чтение с листа – это исполнение и даже интерпретация незнакомого музыкального художественного текста. Музыкант, читающий текст должен стремиться к сознательной фразировке и выполнению авторских указаний, то есть играть “в характере и в темпе”.

Данные нами определения подводят к мысли о том, что чтение с листа это многоуровневый процесс синтезирующий в себе как минимум три вида мыслительных актов:

- 1) анализ нотного текста с точки зрения стилевой, жанровой, ладовой, тональной, метро ритмической составляющей;
- 2) выстраивание логики музыкальной мысли предложенной композитором;
- 3) координированность исполнительского аппарата.

Хорошо обученный музыкант выполняет названные действия автоматически он, во многом, умеет предвосхищать линию развития музыкальной мысли композитора.

В связи с этим И. Гофман писал: “...скорость успеха зависит от уровня вашего образования, чем оно шире, тем более легко предугадать логическое продолжение начатой музыкальной фразы” [5].

Говоря о предсказуемости, мы имеем в виду не только зрительно-слуховое представление того, что произойдет в ближайших тактах, но и о представлении игровых движений. Отсутствие или неточность моторной двигательной готовности - весьма распространенная причина плохого чтения с листа.

Ҳозирги кунда Дутор бас чолғусида ўқитиш ўрта махсус ва олий ўқув юртларида кенг йўлга қўйилган. Шу боис ўқитиш жараёнида мусикий-услугий масалаларга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда дутор бас чолғуси учун махсус ёзилган дарсликлардан кенг фойдаланилмоқда.

А. К. Назаровнинг “Бас дутор дарслиги”, “Сущность приёма тремоло на плектрных музыкальных инструментах” ўқув қўлланмаси, “Практическое освоение приёма тремоло на плектрных музыкальных инструментах” ўқув қўлланмаси, “Вопросы методики обучения игры на басовом дутаре” қўлёзмаси, З. Тураповнинг “Дутор бас” ўқув қўлланмаси (Ўзбек мумтоз мусиқаси намуналари) шулар жумласидандир.

Ансамбль ҳамда оркестрларда ғижжак қобуз бас ва ғижжак қобуз контрабаслар билан бир қаторда асосий – бас (фундамент) товушни ифодаловчи чолғулардан бири сифатидагина эмас, балки якканавоз чолғу сифатида ҳам кенг қўлланилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон филармонияси қошидаги халқ чолғулари оркестри, “Сўғдиёна” халқ чолғулари камер оркестри, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалар оркестрлари, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ўқув юртларида оркестр таркибида ҳамда якканавоз сифатида ушбу чолғудан кенг фойдаланилмоқда. Чунки, дутор бас халқ чолғу оркестрининг асосий фундамент товуш берувчи чолғуларидан биридир.

У таровати ва оркестрлар таркибида ўзгача жозибани таратиши билан ажралиб туради.

“Сўғдиёна” халқ чолғулари камер оркестридаги меҳнат фаолиятимиз мобайнида (1992-2005 й.й.) Россия, Қозоғистон, Германия, Испания, Франция, Миср Араб Республикаси, Америка Қўшма Штатларида концерт-гастроль сафарларида бўлганимизда тингловчилар ўзбек халқ чолғулари қаторида дутор бас чолғусига ҳам катта қизиқиш билан эътибор берганликларига гувоҳ бўлдик. Концертларда ўзбек халқ ва мумтоз муסיқаси намуналари билан бир қаторда М. Альбениснинг “Астурия”, А. Арутюняннинг “Экспромт”, А. Сенальенинг “Аллегро спиритуозо” каби жаҳон композиторлари асарларини ижро қилганимизда ўзбек миллий чолғуларига ҳамда ижрочилик маҳоратига муносабатлари илиқлигини кузатдик. Ўзбекистон давлат консерваторияси “Халқ

чолғуларида ижрочилик” кафедраси “Регистон” гуруҳи таркибида Америка Қўшма Штатлари, Япония, Бельгия, Голландия, Хитой Халқ Республикаси, Миср Араб Республикаси, Латвия, Литва, Эстония, Қозоғистон каби давлатлардаги концерт дастурларида миллий чолғуларимиз қаторида дутор бас чолғуси тараннуми, ижро имкониятларини намойиш қилдик.

Одатда, тингловчи жозибали чолғулар тараннумини ўзи саралайди ва унга эътибор билан боқади. Дутор баснинг чиройли овози, мунгли ва бенуқсон тараннуми сабаби қадимий, ҳамиша навқирон, Шарқ оламида машҳур бўлган уд чолғуси тараннумига яқинроқ эканлигидир, балки. Ҳар бир чолғунинг ўз атори бор, дейишади. Дутор бас ҳам эл ичида ўрнини топиб, ўз мухлисларига эга бўлиши, унинг мукамаллигидан дарақдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Назаров А. Бас дутор дарслиги. -Тошкент: 1983.
2. Назаров А. Сущность приёма тремоло на плектрных музыкальных инструментах. -Ташкент: 1987.
3. Одилов А. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи. -Тошкент: 1995.
4. Назаров А. Практическое освоение приёма тремоло на плектрных музыкальных инструментах. -Ташкент: 1996.
5. Назаров А. Вопросы методики обучения игре на басовом дутаре (Қўлёзма).
6. Турапов З. Дутор бас (Ўзбек мумтоз муסיқаси намуналари). -Тошкент: 2004.
7. Ўзбекистон давлат консерваторияси “Миллий чолғу илмий ишлаб чиқариш экспериментал лабораторияси” архив ҳужжатлари.





Гулчеҳра ЭРГАШЕВА,

Ўзбекистон давлат консерваториясининг
санъатишунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)



ЎЗБЕКИСТОН ЧАНГ ИЖРОЧИЛИК МАКТАБЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистондаги чанг ижро мактабларининг шаклланиши, уларни яратган вакиллар, ижро йўлларидаги ўзига хосликнинг таҳлили асосий мақсад қилиб олинган.

Калит сўзлар: композиторлик ижодиёти, устоз-шогирд аъъанаси, ижро услублари, ижро мактаблари.

Основная цель данной статьи – проанализировать формирование школ игры на чанге в Узбекистане, познакомить с её представителями, обозначить специфику и способ исполнения.

Ключевые слова: композиторское творчество, система “наставник-ученик”, исполнительские приёмы, исполнительская школа мастерства.

Abstract

The main purpose of this article is to analyze the formation of chang playing schools in Uzbekistan, to introduce to their representatives, as well as to outline the specifics and method of performance.

Keywords: composer's creativity, “mentor-student” system, performing techniques, mastery school of performing.

XX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон чолғу ижрочилилик маданиятига композиторлик ижодиётининг кириб келиши янги шакл, жанр ва ижро услубларининг шаклланиши негизида кўп асрлик миллий ижрочилилик соҳаси – аъъанавий ижро йўналиши сифатида ажралиб чиқди. Пировардида, ўзбек чолғу ижрочилилик амалиётида ўзига хос иккита ижро йўналиши: аъъанавий ижрочилилик ва кўповозли ижрочилилик юзага келди.

Маълумки, аъъанавий ижрочилилик асрлар давомида оғзаки устоз-шогирд аъъанаси тизимида ривожланиб келган. Миллий куй-оҳанглари бир овозли бўлишига қарамай, уларнинг бадиҳавий чекинишлари, “нола” ва “қочирим” каби

ички унсурлари ижро жараёнида ҳамиша оҳангни беаб турган. Ушбу куй-оҳанглари жололантириб берувчи муסיкий безаклар ҳар бир муסיқа чолғусининг ижро хусусиятларига қараб садолантирилган. Чанг торлари кучли ва таранг тортилиши ҳисобига унда айрим муסיкий безаклардан фойдаланиш биров чегараланган. Шундай бўлса-да, моҳир ижрочилар чанг чолғусини ширадор ва майин садолантириб, миллий куй-қўшиқлар ижросида пирранг, рранг (хирранг), рез ва бошқа турли муסיкий безакларни, мелизм ва қочиримларни яратишга, улардан амалиётда самарали фойдаланишга муваффақ бўлганлар.

Кўповозли ижрочилик эса замон талаби асосида юзага келган янги ижро йўналиши ҳисобланиб, унда нота ёзувида битилган композитор ғояси созанда томонидан тўлиқ ва аниқ ифода этилган. Жаҳон классик композиторлар асарларини ижро этишга очилган йўл ўзбек санъатини янгича ривожлантиришга, миллий чолғуларимиз, хусусан, чанг ижрочилигига янги услубларни, муайян замон руҳи билан йўғрилган оқимни олиб кирди. Шунингдек, ижрочилик амалиётида композиторлар асарлари ижросига хос бўлган ва дунё чолғуларида бирдек қабул қилинган *tremolo*, *staccato*, *pizzicato col legno*, *vibrato*, *glissando* каби ижро усуллари чанг чолғуси учун ўзлаштирилди.

Ижро маданиятининг тараққий этиши билан мусиқа санъатида шаклланган қонунларга, ижро қилиш ва товуш чиқариш услубларига бўлган муносабатлар ўзгариб борди. Ҳар икки ижро йўналиш ижодкорлари орасида юзага келган ўзаро ижодий рақобат негизида чанг чолғусининг жарангдорлик омиллари ва ижро қилиш имкониятлари кенгайди, янгича ижро услублари яратилди ҳамда ўзига хос ижро мактаблари шаклланди.

Юқорида қайд этилганидек, чанг чолғу ижрочилигида ҳар икки ижро йўналишини бирдек мунтазам тараққий этиши ва моҳир созандаларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли чолғуда чўп чертмак, чўп тарак, бармоқ чертмак, бўғиқ зарб, кўш зарб ва бошқа янги товуш садоантириш йўллари шаклланди. Барча ижро безаклари куй-оҳанглارнинг нафислиги ва жозибасини оширишга қаратилган, уларни моҳирона талқин этган етук созандалар ўз ижро мактабларини яратишга муваффақ бўлганлар.

Ҳар бир чолғу йўналишида ўзининг ижод мактабини яратган ижрочилар бўлгани каби, чанг ижрочилигида ҳам устозона ижро мактаблари шаклланган.

“Чанг ижрочилиги санъатида бир-биридан фарқли ўлароқ иккита катта йўналиш мавжуд. Биринчиси, Ф. Содиқов ижрочилик мактаби бўлса, иккинчиси, Ф. Харратов яратган мактабдир” [1; 5].

Чанг ижрочилигида дастлаб иккита созанданинг сермахсул ижоди кўзга ташланган. Булар, Тошкент-Фарғона ижро йўлида ижод қилган Фаҳриддин Содиқов ва Хоразм мақом ижро йўлининг намояндаси Фозил Харратовдир. Ўша даврларда соз аҳли орасида: “Ф. Содиқов чанг торларини “уриб” эмас, “териб”, Ф. Харратов унинг “ноласини” чиқариб чалган” каби фикрлар бўлгани бежиз эмас.

Дастлаб, бу икки санъаткор анъанавий ижро йўналишида ижод қилганлигига қарамай, халқ чолғулари оркестри фаолияти шакллангандан сўнг, имкониятларини бу йўналишда ҳам синаб, юқори натижаларга эришганлар. Бу даврда янгича ижро йўли ва услуби билан композиторлик ижодиётининг сермахсул тарғиботчиси сифатида Аҳмад Одилов ҳам ўзбек мусиқа санъатида катта муваффақиятларга эришди. Шу боис чанг ижрочилигида учта ижро мактаби (Фаҳриддин Содиқов, Фозил Харратов ва Аҳмад Одилов) мавжуд десак, муболаға бўлмайди.

Ҳар бир мактаб вакили бетакрор ижроси, сермахсул ижоди билан бир-биридан фарқ қилган. Ф. Содиқовнинг ушбу чолғу ижрочилик услубиётига киритган ноёб янгиликларидан бири – зарбли чолғулар усулини усталик билан торли-урма чолғусининг хусусиятига қараб кўчирганидир. Созанда ногорачиларнинг энг яхши нозик қочириш усуллари (пирранг, рранг, рез, сайқал ва ҳ.к.) чанг ижросида жуда майин зарблар билан бажариб, янги ижро услуби сифатида киритган.


Ушбу услубларнинг барчаси мумтоз мусиқа намуналари жозибасини ошириб берувчи безаклар бўлиб, созанда уларни



Ф. Содиков



Ф. Харратов



А. Одиров

якканавозликда, айниқса, жўрнавозликда ширали нағмалар орқали маҳорат билан чиқара олган. Чанг торларига урилган бу нозик зарбларнинг сири, аслида, созанданинг чанг чўпларини ушлаш услуби билан боғлиқ. Ф. Содиков чўпларни, асосан, уч панжада, баъзан икки панжада ушлаб, учинчи бармоқ ёрдамида тебрантириши натижасида чанг торларидан ғоят ёқимли товуш садоланган.

Ф. Содиков ижросининг ўзига хослиги шунда эдики, чолғулар овозини босиб, бамисоли “сузиб кетарди”, яъни юракдан тўлиб-тошиб, керакли пардаларни бўртириб, чанг овозини кўрсатиб беришга қодир эди [2].

Мақом ансамбли томонидан магнит ленталарига ёзиб олинган ижролар тингланганда, чанг чолғусига хос безакларнинг турли кўринишда ишлатилиши, бироз чекиниб, сўнг шиддатли ҳаракатлари билан одимлаб кетиши унинг ижроси бетакрорлигидан далолат беради.

Ф. Содиков чанг ва дутор чолғуларининг ижро йўлини яхши ўзлаштиргани боис, уларни бир-бирига уйғунлаштириб ижро қилиш қобилиятига эга бўлган. Созанда талқинидаги “Гулжамол”, “Баёт 4” каби асарларда дуторга хос бўлган қочиримлар ва орқага тортиброқ чўзиб чалиш услуби шу қадар усталик билан кўрсатиб берилганки, худди чанг чолғусида дутор

садоланаётгандек туюлади. Бу, албатта, Ф. Содиков ижро маҳоратининг ўзига хослиги ва чексизлигини намоён қилади.

Созанда кўпроқ ансамбль ижрочиси ва раҳбари сифатида юқори чўққиларга эришган. Сўз билан ифода этиб бўлмайдиган фикрни ўз чолғусида айта олган.

Фозил Харратов Хоразм мақомлари шаклланишига катта ҳисса қўшган сулола вакилидир. Ижодий муҳитда тарбияланган созанда кўплаб йирик санъаткорларнинг ижро сирларидан хабардор бўлиб, ижро амалиётида улардан моҳирона фойдаланган. У, одатда, концертдан олдин қайси санъаткорлар иштирок этишини билиб олган. Сўнг чанг чолғусини уларнинг ижросига мослаган, яъни чолғунинг баъзи товушларини сезилар-сезилмас даражада нисбатан пастроқ ёки кўтариброқ сошлаб олган. Шунинг учун созандалар: “Фозил созлаган чанг чолғуси худди ёпилган нон орасига сурилган сариёғ каби майин”, – деб таърифлаганлар.

Чанг ижрочилигини Фахриддин Содиков ноғора, дутор усуллари билан бойитган бўлса, Фозил Харратов танбур усуллари ва чўп чертмак (pizzicato) товуш чиқариш услубини киритишга муваффақ бўлган. Ф. Харратов садолантирган чўп чертмак ижро услуби ўзгача жаранлаган. Бошқа ижрочилар чанг чўпини уч бармоқда чертиб ижро қилганлари сабабли чолғу овози бироз

бўғикроқ садоланган. Ф. Харратов чўпни икки бармоқ ёрдамида ушлаб торларни чертган, бу эса чолғу товушининг давомийлигини ошириб берган. Бу унинг чолғусига бўлган муносабати ва товуш садолантириш услубларининг ўзига хослигини кўрсатади.

Ф. Харратовнинг чанг торларига урилган ҳар бир зарби бутунлиги ва салмоқчилиги, айнаи дамда ўта аниқ ва мулойимлиги билан ажралиб турган. Шогирдлари бу зарбларнинг сири ҳақида сўраганларида шундай жавоб берган: “Юрак нола чекдими, зарб ўша нолани чиқара олади. Бошқа мусиқа чолғуларига нисбатан чангнинг торлари кўп, уларнинг жойлашувини аниқ ёд олиш учун устига мато ёпиб машқ қилиш лозим. Чанг симларининг керакли нуқтасига зарб бериш натижасида қўл шунга мослашиб қолади ва йиллар давомида ҳар бир созанданинг ўз ижро йўли шаклланади” [3; 29].

Ф. Харратов ижросининг яна бир ўзига хослиги – у дойрачидан чиққан чангчи бўлгани боис усул ушлаш қобилияти ўта кучли бўлган. Созанда ижро давомида мелодик ва ритмик хусусиятларни ифода этиш мақсадида куйнинг баъзи жумлаларини бўрттириб ёки сал илгарилаб, яна асосий усулга тушиб олиши унинг ижро маҳоратининг ноёблигидан далолат беради.

Айтиш жоизки, ўша даврда турли кўринишдаги ансамбль ва оркестр жамоалари кенг тарқалган бир вақтда Ф. Харратов севган чолғусини кўпроқ якканавозликда тарғиб қила бошлади. Унинг концертларда мунтазам якканавоз чиқишлари, сермазмун ижоди ва саъй-ҳаракати туфайли бу даврга келиб чанг чолғуси яккасоз сифатида шаклланди. Моҳир созанда чанг ижрочилиги ривожига катта ҳисса қўшди ва ўз ижро йўлини яратишга муваффақ бўлди.

Яна бир чанг ижро мактаби вакиллари билан бири Аҳмад Одилов бўлиб, асосан,

янги кўповозли ижрочилик йўналишида фаолият олиб борган. У композиторлар асарларини жаҳон андозаси талаблари доирасида талқин қила оладиган ижрочилардан бири эди. Шунингдек, композиторлар ғоясини соф ўзининг тилида тўлақонли етказиб берадиган, ўзбек композиторлари томонидан чанг учун ёзилган деярли барча асарларнинг биринчи ижрочиси ва тарғиботчиси бўлган.

Созанда Европа чолғуларига хос бўлган ижро услубларини чолғу хусусиятига мослаб киритишга муяссар бўлган. Хусусан, дамли чолғуларда қўлланиладиган *staccato con sordino* (*stac. con sord.*) ижро услубини жаранглаб турган чанг торларини иккинчи бўш қўл бармоқлари билан тез-тез сўндириш орқали бажарган. Бу эса чолғунинг бўғиқ ва қисқа садоланишига олиб келган. *Vibrato* (нолалантириш) услубини чанг торларининг тортилиш таранглиги баланд бўлишига қарамай, жаранглаб турган торнинг ён қаторига туташган қисмини бўш қўл бармоғи билан секин босиб, торни нолалантиришга ҳаракат қилган.

Арфа ва гусли чолғуларида тез-тез қўлланиладиган *Clissando col legno* (*gliss. c.l.*) ижро услубини чўпнинг орқа яланг қисми билан бир товушдан иккинчи товушгача ёки пастдан юқорига ва аксинча, юқоридан пастга сирғалтириш натижасида амалга оширган.

Истеъдодли созанда ҳар бир асарда чанг ижро имкониятларини турли ижро услублари билан ёритишга ҳаракат қилган, яъни бир хилликдан қочган. Ҳатто суръати тез бўлган асарларда ҳам барча ижро услубларини ўта маҳорат билан бажарган. Шу боис бўлса керак, А. Одиловнинг чолғу торларига урилган зарблари кучлилиги, ижроси мусиқий безакларнинг ранг-баранглиги билан доимо ажралиб турган. Созанда шиддатли ва тезкор суръатли асарларда ҳам юксак

ижро маҳоратини кўрсата олиши, инсон қобилияти нимага қодирлигини ва чанг чолғусининг имкониятлари нақадар кенг эканлигини исботлаб берди.

Ижро вақтида чанг торларини бир-бирига мослаб соз ҳолатига келтириш мураккаб жараён бўлишига қарамай, асарнинг пауза дақиқалари оралиғида ўз чолғусининг айрим товушларини соз ҳолатига келтиришга ҳам улгура олган. А. Одилов ижросидаги бундай шижоат тинимсиз бир неча соатлаб чанг чолғусида машқ қилишнинг натижасидир. Чунки бу чолғуда техник жиҳатдан тез суръатли пассажларни усталик билан ижро қилиш учун созанда қўл ҳаракатларини маълум даражада тўғри тақсимлаши керак. Бироқ бундай қулайликни ҳамма вақт ҳам сақлаб туриш мушкул.

Қўлларнинг бир-бирига тўқнашуви, бирининг устидан иккинчиси чалкашиб ўтиши ёки бир қўл билан икки торни олдинма-кетин уриш каби ҳолатлар ижрочи учун техник қийинчиликлар туғдиради. Шу боис элга танилган ижрочилар ўз мавқесини сақлаб туриш мақсадида ҳамиша машқ қилганлар.

Созанда тинимсиз меҳнатлар эвазига ижрочилик имконияти даражасини оширишга, ижросини бойитиб, товушлар софлиги, сифати ва ижро техникасини юксалтиришга ҳаракат қилган. Унинг ижросидаги бир қанча жаҳон компози-торларининг асарлари грампластинкага ёзиб олинган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу созанда-ларнинг ўз касбига ижодкорона ёндашуви ижрочилик санъатининг бойишига ва янги қирраларнинг кашф этилишига туртки бўлди. Бугунги кунда уларнинг ижро йўллари шоғирдлари замонавий талқинда ижро қилиши ҳар учала мактаб силсиласи давом этаётганидан далолат беради. Ўзбекистон халқ артисти Ғанижон Тошматовнинг: “Чолғу кўтариб юрадиган созанда-лар кўп, бироқ орқасидан ўз меҳнатининг мевасини қолдирганларгина асл созандадир”, - деган сўзлари нечоғ-лик ҳақиқат эканлигига амин бўламиз. Зеро, ижро мактаби – бу, бошқалардан фарқ қилувчи ижро услуби, тажриба, изланишлар самараси ва шоғирдлар ютуғининг бардавомлигидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юнусов Р., Ҳамидов А. Сўз боши//Ўзбек анъанавий мусиқа ижрочилиги хрестоматияси. Тўпловчи Ҳамидов А. -Тошкент: “Ўқитувчи”, 1995.
2. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, чангчи Абдусалом Муталовдан ёзиб олинган суҳбат. 29.11.2005.
3. Шукурова Ф. Чолғу ижрочилиги тарихидан. -Тошкент: 2005.





*Хуришда ТУРСУНОВА (ҲАСАНОВА),
Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти*



ЁШЛАРНИНГ МУСИҚИЙ ТАЪЛИМИДА ХОНАНДА БОТИР ЗОКИРОВ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ ЎРНИ

Аннотация

Мақолада мусиқа санъатининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти, уларнинг ижро репертуари шаклланишида қўлга киритилган ютуқлар билан бирга муаммоли кирралари ҳақида сўз юритилади. Айни шу босқичда миллий қўшиқчилик санъатимизда ўчмас из қолдирган эстрада юлдузи, хонанда Ботир Зокиров номи мутахассислар доирасида қайд этилиши бежиз эмас. Унинг ижодий фаолияти ва қўшиқлари ҳаваскор ва профессионал хонандалар, ёшлар ва болаларнинг бадиий ижрочилик сир-асрорларини эгаллашида ва тарбиявий камолотида муҳим ўрин тутди.

Калит сўзлар: ёш авлод, тарбия, мусиқий дид, Ботир Зокиров, ижро репертуари, болалар, вокал санъати, тесситура, танлов.

Статья посвящена роли музыкального искусства в воспитании подрастающего поколения, вопросам формирования исполнительского репертуара молодых исполнителей, где помимо существенных достижений на сегодня, существует также ряд наболевших проблем. В кругу специалистов в этой связи часто упоминается имя Батыра Закирова, легендарного эстрадного исполнителя, внесшего большой вклад в формирование и развитие песенной культуры Узбекистана. Его творческий путь и богатый исполнительский репертуар важен сегодня как в плане воспитательной работы, так и в деле освоения высокого художественного исполнительского мастерства профессионалов, любителей и молодого подрастающего поколения музыкантов.

Ключевые слова: молодое поколение, воспитание, музыкальный вкус, Батыр Закиров, исполнительский репертуар, дети, вокальное искусство, тесситура, конкурс.

Abstract

The article is devoted to the role of musical art in the upbringing of the younger generation, the formation of the performing repertoire of young performers, where in addition to significant achievements today, there are also a number of urgent problems. In this regard, the name of Batir Zakirov, a legendary pop artist who made a great contribution to the formation and development of the song culture of Uzbekistan, is often mentioned in the circle of specialists. His creative path and rich performing repertoire are important today both in terms of educational work and in mastering the high artistic performing skills of professionals, amateurs and the young generation of musicians.

Keywords: young generation, education, musical taste, Batir Zakirov, performing repertoire, children, vocal art, tessitura, competition.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан эътиборан миллий қадриятларимизни эъзозлаш, баркамол, соғ ва теран фикрли ёшларни тарбиялаш, уларни комил инсон бўлиб вояга етишиши учун таълим-тарбия тизимини янада мустаҳкамлаш масаласи кўтарилиб, давлатимиз томонидан бу борада қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Зеро, жамиятнинг раванг топиши ва тараққиёти, энг аввало, келажак авлод тарбияси билан узвий боғлиқдир.

Маълумки, инсон қалбига йўл, унинг эркинлиги ва гўзалликка ошно бўлиши маънавий, ақлий, жисмоний ва том маънода музикавий ривожига қаратилган жараёнларга боғлиқдир. Президентимиз Ш. М. Мирзиёев томонидан олға сурилган бешта муҳим ташаббус асосида мазкур ғояларнинг ўрин олиши ҳам бежиз эмас.

Ушбу хайрли ишлар заминида музика санъати орқали ёшларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, дидини ўстириш ва дунёқарабини кенгайтириш, миллий қадриятларимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ва эътиборни кучайтириш ётади. Уларни бадиий санъат намуналари асосида вояга етказиш, педагогик тизимнинг долзарб масаласига айланди. Кейинги йилларда мактаб таълим тизимида музикавий дарслик ва қўлланмаларни қайта ишлаб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишлар шулар жумласидандир.

Болаларнинг музика санъатига бўлган қизиқиши, аввало, унинг ҳаётидаги музикавий таассуротларни тўплаш, шу асосда музикавий-бадиий дидини шакллантириш билан боғлиқ. Ўз навбатида музикавий дид музикада гўзалликни қадрлаш, борлиқни тўғри англаш, санъат асарининг ғояси, самимийлиги, ишончлилиги, мазмун-моҳияти, образларнинг ифодавийлигини танқидий таҳлил қилиб, уни тушунишга етаклайди. Музикавий дид – ҳақиқий санъат намуналарини сохталаридан фарқлаб,

эмоционал ва эстетик ҳиссиёт орқали муносиб баҳолашга, улардан завқланишга ёрдам беради. Болалар ҳам ҳиссий кечинмаларини музикавий асар тавсифи асосида идрок қилишни ўрганадилар. Шу боис, ёшлигиданоқ уларнинг музикавий репертуарини шакллантириш, уларнинг ёши, ақлий ва физиологик ривожланишини инобатга олган ҳолда етук бадиий музикавий намуналар асосида таълим бериш педагогиканинг ўта муҳим масалалари қаторида туради.

Маълумки, оммавий музикавий жанрлар ичида эстрада қўшиқлари оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио ва интернет саҳифаларида етакчи ўрин эгаллаб келади. Бу соҳада қўлга киририлган ютуқлар билан бирга муаммоли ва мунозарали қатор масалалар ҳам бор. Айни шу босқичда музика санъатида ўз ижодий фаолияти, миллий маданиятимиз равангига катта ҳисса қўшган улуг ижодкорларимизни ёдга олиш жоиздир.

Эстрада санъатимизнинг илк юлдузи, хонанда Ботир Зокиров ижоди ва фаолияти, қўшиқлари ўзбек қўшиқчилиқ санъатининг дурдона классик намуналарига айланиб, ҳаваскор ва профессионал хонандалар, ёшларнинг ижро репертуаридан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Ботир Зокиров қўшиқларини меъёрига етказиб, ижро маҳорати нуқтаи назаридан юқори бадиий савияда талқин қилиш ҳар бир хонанда учун ўта мураккаб ҳолат. Зеро, унинг “Мафтун бўлдим” (М. Бурҳонов, Т. Тўла), “Араб тангоси” (Дориш Ал-Аттош), “Беглянка Хабиба” (Абдел Вахаб, Ю. Энтин), “Маро-бебус” (Эрон халқ қўшиғи), “Намедонам чи нам дорад” (М. Бурҳонов, Ҳофиз Шерозий), “Раъно” (И. Акбаров, С Акбари), “Ёр кел” (И. Акбаров, Ҳ. Ғулом) “Қайдасан” (И. Акбаров, Т. Тўла) каби қўшиқлари Ўзбекистон маданиятининг музикавий “Олтин фонди”ни ташкил қилиб,

республикамизда ўтказилаётган муסיкий кўрик-танловлар ва фестиваллар дастуридан ўрин эгаллаб келмоқда. Ботир Зокировнинг сара асарларини тинглаш ва ўрганиш асосида ёшларнинг муסיкий ижрочилик борасида бадиий дидини ўстириш, муסיкий ижровий интеллект ва маҳоратини ошириш мақсадга мувофиқ.

Ботир Зокиров овозининг майин тембри, самимий ижро табиати, тембр бўёқларининг жилваланиши, ҳар бир сўзга нисбатан самимий ва эҳтиёткорона ёндашуви, жозибали муסיкий сайқали билан ҳар бир кўшиққа бетакрор кўриниш ато этган. Драматик жўшқин, ҳазил-мутойибали, лирик парвозли асарлар рангин бўёқлар билан очиб берилган. Айримларининг вокал тесситураси, ҳажми нуқтаи назардан вокал кучи ва шиддати мураккаб бўлмаса-да, ўта нозик қочирим ва самимий бадиий изҳор талқини билан хонандалардан катта маҳорат талаб қилади. Балки шу боис ҳам Ботир Зокиров кўшиқларининг ижро даражаси ҳамиша эталон сифатида қайд этиб келинмоқда.

– Бугун эстрада сахнасига кўтарилаётган хонандалар ўз намоишларида муסיкий асарнинг талқинига эмас, балки томошавий жиҳатига урғу бериб, ёрқин декорациялар, раққосаларнинг ортида беркиниб, умумий манзарада йўқолиб кетадилар. Ботир Зокиров эса сахнада якка ўзи турар ва куйлаганида оламни гўё сукунат қоплагандек бўлар, юраклар ҳамоҳанг урарди. Унинг дардли, мунгли, сеҳрли кўшиқлари ҳар бир юракка етиб борар ва тинглаган сари тинглагинг келар эди, деб хотирлайди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулгина Аҳмеджановна Зокирова.

Ботир Зокиров кўшиқларини ўрганиш юқори профессионал ижрочилик санъатига яқинлашиш демакдир.

Республикамизда ўтказиб келинаётган Ботир Зокиров номидаги кўрик- танлов хонанданинг ижрочилик бисотини тарғиб қилиш борасида истеъдодли ёшларни кашф қилиш ва уларни санъатда ўз йўлини эгаллаши учун ёрдам бериш ва рағбатлантиришга қаратилган. Ҳозирги кунда хонанда таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан мазкур танловнинг саралаш босқичлари турли вилоятларда бўлиб ўтди. 16-28 ёшдаги хонандалар Ботир Зокиров репертуаридан ўрин олган кўшиқни маромига етказиб ижро қилиб беришлари шарт.

Р. Глиэр номидаги ихтисослашган муסיқа академик лицейининг “Эстрада вокал ижрочилиги” бўйича етакчи педагоги, бир қатор Республика ва Халқаро танловлар ғолиблари ва “Ниҳол” мукофоти совриндорларини тарбиялаб етиштирган Дилфуза Зайтова шундай дейди: “Ботир Зокиров танлови бизнинг ёшларга жуда катта фундамент бўлиб хизмат қилади. Танловнинг биринчи турида хонанданинг бисотидан бир асар ижро қилинса, иккинчиси иштирокчиларнинг ихтиёрига қараб чет тилида талқин этилади. Назаримда, бундай кўшиқлар ҳам Б. Зокиров репертуаридан ўрин олган кўшиқлар билан тўлдирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки юқори маҳорат билан талқин қилинган ва қалбимиздан ўрин олган ўзга мамлакатларнинг кўшиқлари ҳам бисёр. Қолаверса, бу репертуарни нафақат ўзбек хонандалари, балки ўзга миллат вакиллари ҳам жозибали талқин қилишганига гувоҳ бўлганман”.

Дарҳақиқат, мазкур танловнинг нуфузини халқаро даражага кўтариш ва миллий ўзбек эстрада муסיқасининг ёрқин намояндаси Ботир Зокиров мавқеини мустаҳкамлаш борасида низомга юқорида билдирилган таклифларни ҳам киритиш ўринлидир.

Ботир Зокиров қўшиқларини ўрганиш, энг аввало, тарбиявий аҳамияти билан қадрли. Шу боис болаларга ёшлик давридан танитиш, мазкур қўшиқлар таҳлилига илк бор эътиборларини жалб қилганда уларнинг адабий-бадий пойдевори, матндаги мурожаатлар, диалогли ва ифодавий сўзларининг қиймати, муסיкийлик борасида эса куй характерининг тавсифи, оҳангларнинг ифодавийлиги, интерваллар, лад, ритм, диапазон ва тесситурасининг ўзига хослиги, жўрлигининг бадий ютуғи, асарларнинг тузилиши каби кўплаб қирраларини ўрганиш борасида эътиборга молик.

Албатта, ижро қилиш жараёнига келсак, Ботир Зокиров қўшиқларини талқин қилиш учун ўқувчиларда юқори билим ва тажриба, ижровий кўникмалар бўлиши керак. Шу боис репертуар уларнинг овоз имкониятлари, истеъдоди, маҳорати даражасига қараб берилиши мумкин. Ижрочи олдида нафақат вокал мактабини ўзлаштириш, балки айрим намуналарда хонандалар учун керакли бўлган турли халқлар тилини ўрганиш,

ўзга тилда сўзларни тўғри талаффуз қилиш ва унинг томонлари билан боғлиқ муҳим вазифалар ҳам қўйилади.

Дарҳақиқат, Ботир Зокиров қўшиқларни турли элатлар тилида ҳам талқин этган. Луиза Зокирова билан биргаликда ижро қилинган гўзал дуэтларида ёрига муҳаббат, ҳаёт онларига ошуфта ҳиссиётлар, чуқур фалсафий ғоялар мужассам этилган. “Араб тангоси”, “Маро бубус” шундай асарлар тоифасидан.

Хонанданинг репертуаридаги турли халқлар қўшиқларининг аксарият қисми оригинал (ҳинд, эрон, тожик, араб, украин, итальян, югослав, рус, француз) тилларда ижро қилинган. Бу эса Ботир Зокиров ижроси байналмилал руҳда эканлигидан далолат беради. Санъат оламига қадам босаётган ҳар бир ижодкор Ботир Зокиров меросини ўрганиши, ижрочилик анъаналарини давом эттириши лозим.

Президентимиз томонидан 2021 йилда хонанда таваллудининг 85 йиллигини юртимизда кенг нишонлаш ҳақида эълон қилинган қарор ушбу фикрларнинг ёрқин далилидир.



Инеcса ГУЛЬЗАРОВА,
и. о. профессора Государственной консерватории Узбекистана



НОВАЯ КНИГА О МАЭСТРО ХАКНАЗАРОВЕ

Аннотация

Эта статья о новой книге об известном дирижёре Узбекистана, народном артисте республики, профессоре, музыкально-общественном деятеле Захиде Хакназарове, в основу которой легли его воспоминания, дополненные материалами из семейного архива: статьями и интервью маэстро, подборкой периодики о его творческой деятельности и симфоническом оркестре Узбекистана, которым он руководил, а также сценариями телевизионных передач, письмами, свидетельствами современников, документами, фотографиями и афишами.

Ключевые слова: презентация, книга, дирижёр, профессор, оркестр, концерт, ученики.

Мақолада Ўзбекистоннинг машҳур дирижёри, Республика халқ артисти, профессор, мусикий-жамоатчилик арбоби Зоҳид Ҳақназаров ҳақидаги янги китоб хусусида сўз боради. Мазкур китобга унинг хотиралари, оилавий архивдаги материаллар асос бўлган. Китобдан маэстронинг мақола ва интервьюлари, у раҳбарлик қилган Ўзбекистон симфоник оркестри ва унинг ижоди ҳақидаги даврий нашрлар жамланмаси, шунингдек, телевизион кўрсатувлар сценарийлари, хатлар, замондошларининг фикрлари, ҳужжатлар, фотосуратлар ва афишалар ўрин олган.

Калит сўзлар: тақдимот, китоб, дирижёр, профессор, оркестр, концерт, шогирдлар.

Abstract

This article is about a new book about the famous conductor of Uzbekistan, People's Artist of the Republic, professor, musical and public figure Zahid Khaknazarov, which is based on his memories, supplemented with materials from the family archive: articles and interviews of the maestro, a selection of periodicals about his creative activity and the Symphony orchestra of Uzbekistan, which he directed, as well as TV scripts, letters, testimonies of contemporaries, documents, photographs and posters.

Keywords: presentation, book, conductor, professor, orchestra, concert, students.

“Захид Хакназаров о себе – о музыке. Воспоминания дирижёра. Материалы, документы, фотографии” – так называется книга, вышедшая в издательстве “Baktria Press”, презентация которой состоялась в Государственной консерватории Узбекистана по инициативе её руководства. Открыла мероприятие заслуженная артистка республики, профессор кафедры специального фортепиано, проректор

по науке и инновациям консерватории Сайёра Гафурова, которая не только рассказала о значении фигуры маэстро Хакназарова в истории музыкальной культуры нашей республики, но и представила тех, кто работал над данным изданием: составители дочери Захида Вахидовича – Барно и Умида; редакция и примечания кандидата искусствоведения, члена Союза композиторов Узбекистана,



председателя исследовательской группы “Макам” Международного совета по традиционной культуре Александра Джумаева. Сайёра Акмаловна озвучила тираж книги – 700 экземпляров, 100 из которых дочери Хакназарова подарили консерватории, в которой их отец успешно работал не одно десятилетие и несколько лет её возглавлял.

Сегодня маэстро Хакназарова по праву называют одним из символов и целой эпохой музыкального искусства Узбекистана. Таких музыкантов, как Захид Вахидович – единицы. О них, как правило, говорят: “Есть люди, профессия которых неотделима от их жизни. Это энтузиасты своей работы, люди кипучей творческой деятельности, которые не мыслят своей жизни без движения, общения, музыки”. Он был одним из тех, кто каждый раз доказывал, что профессия – это судьба и наоборот. Его трагический уход из жизни стал большой утратой для узбекской культуры.

Маэстро Хакназарову аплодировали слушатели как в его родном Узбекистане, так в ближнем и дальнем зарубежье. Его творчество не было обделено вниманием критики, многократно анализировавшей разностороннюю деятельность музыканта, будь то симфонический концерт, выступление на радио или телевизионная передача. Это о нём великий Мстислав Ростропович сказал: “Редкое счастье иметь такого талантливого дирижёра, как Захид Хакназаров”.

Казалось бы, всё легко и безоблачно. Но это только на первый взгляд. Его путь не был усеян розами. Будучи сиротой, он провёл детство в детдоме, где полюбил музыку, став впоследствии музыкантом, успешно окончившим в 1963 году Московскую консерваторию по классу дирижирования Николая Аносова. А уже в 1965-м молодой дирижёр возглавил симфонический оркестр Узбекской государственной филармонии. В период с 1981-1984 годы он занимал пост ректора Ташкентской консерватории. Казалось бы, карьера, на зависть многим, складывалась успешно, и, тем не менее, Захид Хакназаров был художником непростой судьбы, в жизни которого были и успехи, и разочарования, и победы, и неудачи...

Как-то заполняя анкету известного журнала “Музыкальная академия”, Захид Вахидович написал: “Считаю своим долгом заниматься просветительской деятельностью”. Определив главной целью служение высокой Музыке, он всю свою жизнь был её пропагандистом. Пестра карта его гастрольных маршрутов: Болгария, Венгрия, Польша, Югославия, Германия, Куба, Турция, Таиланд, Малайзия. Он был непременным участником различных декад, фестивалей, конкурсов, смотров.

Невозможно охватить весь обширный репертуар маэстро. Здесь, конечно, и классика, и современность. Он был тончайшим знатоком как западноевропейской, так и узбекской музыки. Его привлекали



в первую очередь эмоционально насыщенные произведения, отмеченные яркими, образными контрастами, богатой тембровой палитрой. Работа с ним требовала высочайшей самоотдачи, была особой честью и замечательной школой для каждого. Репетировал Хакназаров очень много. Особенно, если сочинение новое. По несколько встреч с оркестром устраивал и для того, чтобы вспомнить уже игранное. Впрочем, у маэстро не было повторений: возвращаясь к чему-то, он, с присущим ему тонким пониманием драматургии произведения, эмоциональностью, гибкостью дирижёрской манеры, видоизменял, углублял прежнюю трактовку. Его художническая фантазия, творческая воля, сила никогда не переставали удивлять и волновать. Энергия, магическая сила воздействия маэстро на оркестрантов, солистов, выступающих с ним, на слушателей поистине не знала границ. Он знакомил публику со многими ранее не известными классическими произведениями, тонко чувствовал музыку, умел донести до слушателей полноту авторского замысла.

На его счету – огромное количество премьер, в том числе произведений композиторов Узбекистана. Нет ни одного в республике – от прославленного до начинающего, – сочинениями которого не дирижировал бы маэстро. Он вдохнул жизнь в произведения И. Акбарова, Ф. Янов-Яновского, С. Вареласа, Т. Курбанова, М. Таджиева, М. Махмудова, Х. Рахимова, Н. Гиясова и многих других. Тепло вспоминает о совместной работе с маэстро мэтр композиторской школы Узбекистана, заслуженный деятель искусств республики Феликс Янов-Яновский: “Я обязан ему первым исполнением почти всех моих симфонических опусов, ораторий, концертов, ряда оперных спектаклей. Меня всегда поражала его трудоспособность и точное следование авторскому замыслу.

Он замечательно работал с вокалистами – обладая отличным слухом, он не пропускал ни одной неточной интонации, добиваясь нужного результата. Обладая исключительной памятью, он нередко без партитуры дирижировал сложными сочинениями, такими, как например, мой “Реквием” – сочинением для солистов, хора и оркестра, протяжённостью в 60 минут музыки”.

Действительно, Хакназаров чрезвычайно серьёзно и ответственно относился к своей профессии: был требователен к себе и музыкантам, часто бывал не удовлетворён результатами их совместной работы. Впрочем, требовательность – лучший заслон самоуспокоенности и самодовольству. Он никогда не надеялся только на талант и вдохновение и не вставал за пульт, если полностью не был готов к занятиям. Этому всегда предшествовала напряжённая работа с партитурой.

Я не забуду его замечательное исполнение “Симфонических танцев” Сергея Рахманинова. Я помню его программы с сочинениями Дмитрия Шостаковича, Игоря Стравинского, концерты с участием учеников класса великой Тамары Афанасьевны Попович, доверявшей только ему своих воспитанников. А чего стоит его дирижирование оперой “Порги и Бесс” Дж. Гершвина за пультом Государственного академического Большого театра оперы и балета имени А. Навои, когда он привлёк к участию в её премьере лучшие голоса оперной труппы. Помню, с каким интересом, нескрываемой эмоциональностью вёл маэстро и телевизионную программу “С вами дирижёр” на республиканском телевидении.

У меня не было никаких сомнений в том, что всё, что делал Захид Вахидович, было продумано, выверено и подготовлено. Я бы, наверное, на первое место в его дирижировании поставила точность исполнения. Это, конечно, ограничивало



"Редкое счастье иметь такого талантливого дирижёра, как Захид Хакназаров."
– Мстислав Ростропович

свободу. Говорить о дирижёрской импровизации тут сложно. Но вместе с тем — выверена вся балансировка, все динамические оттенки.

Важной гранью самовыражения его неординарной личности была работа с молодым поколением музыкантов, среди которых он воспитал целый ряд дирижёров. Захид Вахидович был всегда открыт для новых идей, щедро делился со студентами опытом и секретами мастерства, помогал им делать первые шаги в профессии, искренне радовался успехам. Именно для них маэстро написал фундаментальный труд “О дирижировании”, в котором суммировал свой творческий и педагогический опыт. Из его класса вышли такие музыканты, как Ю. Булатов, Н. Гиясов, А. Эргашев, А. Сапаев, Г. Аббаров, Т. Мирзаев и другие. Сегодня они благодарны маэстро за то, что он никогда не навязывал им своё понимание сочинений, а помогал проявить индивидуальность, приучал к собранности, предельной внимательности, мобильности, без которой немислима работа дирижёра, особенно в нынешнее время.

Благодаря музыке и своему таланту, З. В. Хакназаров смог стать тем, кем мы его знаем и помним сегодня. Об этом и недавно вышедшая в свет книга, состоящая из двух глав, она поражает своим размахом и величиной проделанной работы. Так, под одной обложкой собрана интереснейшая подборка статей, интервью и сценариев телевизионных передач самого Захида Вахидовича, а также публикации о его творческой деятельности, фотографии, афиши, письма и документы из семейного архива Хакназаровых. Помимо этого, сюда вошли воспоминания современников, информационные списки и хронология жизни и творчества дирижёра и его смелые, критические письма, среди которых первому президенту Республики

Узбекистан И. А. Каримову, о кризисном состоянии экономической, политической и социальной ситуации в нашем независимом государстве, коснувшегося культуры и искусства. В книге огромное количество фактического материала – 523 страниц с иллюстрациями!

Каждый раздел воспоминаний самого Захида Вахидовича приоткрывает читателю страницу его непростой жизни. По сути это портрет сильного и целеустремлённого человека, выросшего в яркого и многогранного музыканта. Вызывает восхищение та удивительная стойкость, внутренняя самодисциплина и мудрость, которая помогала ему преодолевать многочисленные жизненные препоны, и даже в самых остродраматических ситуациях сохранять человеческое достоинство и нравственный стержень.

Каждая же строка воспоминаний музыкантов, работавших под руководством маэстро, наполнена их безграничным восхищением по отношению к нему – дирижёру, под руководством которого репетировали и исполняли самую разную музыку в концертах и записывали в студиях.

Читатель найдёт здесь интересные рецензии и отзывы как на новые концертные сезоны (1965-1995), так и на гастрольные концерты (1965-1987) маэстро.

В разделе “Статьи и интервью о музыке” нашли отражение разные грани творческой личности музыканта – дирижёра, публициста, музыкального критика, общественного деятеля и просветителя. А в “Сценарии телевизионных передач” Хакназаров делится своими соображениями об отдельных шедеврах мировой классики, о проблемах в области педагогики и о своих знаменитых современниках, проявляя себя не только маститым музыкантом, но и незаурядным мыслителем, глубоко проникающим в проблемы своей профессии.

Вторая часть книги представляет собой прекрасный перевод на узбекский язык Муаззам Иброхимовой Воспоминаний маэстро, Послесловия его дочерей и отдельные публикации из периодических изданий.

События творческой жизни Захида Вахидовича помогают систематизировать интересные и разнообразные фотографии.

Мне думается, у каждого, кому доводилось работать, общаться с З. В. Хакназаровым, навсегда оставалась в душе негасимая искра любви и радости настоящего творчества. И теперь отголосок этой искры можно почувствовать, листая эти драгоценные страницы, как это имело место на недавней презентации, на которой присутствовали педагоги, дирижёры, оркестровые музыканты, студенты и ученики профессора Хакназарова. В тот день звучало много воспоминаний о том, каким человеком, музыкантом и дирижёром был Захид Вахидович. Своими рассказами о совместном творчестве с маэстро поделились его коллеги, соратники и ученики, добрые, тёплые и увлекательные истории которых жадно внимала аудитория.

Подводя итог, отмечу: вышедшая в свет книга – прекрасная дань памяти маэстро Хакназарову, для которого движение вперёд было главным жизненным

вектором. Конечно, многое осталось “за кадром”, однако каждое слово этого издания – правдивое свидетельство времени, в котором жил и творил Захид Вахидович, его правдивая исповедь, а также искреннее выражение любви и памяти горячо любимому родителю его дочерей.

Эту книгу я прочла с большим интересом и удовольствием. Думаю, что читатели разделят моё впечатление: единственная и увлекательная в своем роде она является солидным дополнением к вышедшей в 1980 году монографии “Захид Хакназаров” музыковеда Дианы Малян и имеет несомненную практическую ценность. Она будет полезна многим музыкантам-практикам, исследователям-историкам, а также широкому кругу ценителей музыкального искусства и особенно молодёжи.

Несмотря на известный афоризм Козьмы Пруткова: “Нельзя объять необъятное”, задачи данного издания, на мой взгляд, выполнены. Остаётся добавить, совместный труд дочерей Хакназарова, а также А. Джумаева и М. Иброхимовой увенчался достойным завершением, и я вместе со многими моими коллегами с глубокой благодарностью говорю им: спасибо, как и герою книги, в лице которого жизнь показала, каким должен быть человек.

